КПСС XXII съезди шарафига

КОММУНИСТЧАСИГА ИШЛАБ, МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИНИ КЎПАЙТИРАЙЛИК!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши
№ 121 (11.870)

Жума, 26 май, 1961 йил.

Баҳоси 2 тийин.

СЪЕЗДНИ МУНОСИБ СОВҒАЛАР БИЛАН НИШОНЛАЙЛИК

Севикли социалистик Ватанимиз ҳаётидаги, жонажон Коммунистик партиямиз ҳаётидаги тарихий воқеаларни муносиб меҳнат совғалари билан нишонлаш совет кишиларига хос ажойиб фазилатдир. Бутун мамлакат инсониятни ҳайратда қолдираётган оламшумул-тарихий ғалабаларимизнинг ташкилотчиси ва илҳомчиси бўлган ленинчи партиямизнинг шу йил 17 октябрда очиладиган шонли XXII съездига зўр бериб тайёрланмоқда.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев Совет Грузиясининг 40 йиллиги муносабати билан Тбилисида бўлган тантанали йиғилишда айтганидек, **етти йилликнинг учинчи йили алоҳида йил, Коммунистик партиямизнинг XXII съезди йилидир. Бизда партия съездларини янги муваффақиятлар билан, янги ишлар ва янги режалар билан кутиб олиш каби яхши традиция пайдо бўлди.**

Ана шу улуғ айём арафасида, шу завқли дамларда ҳамма ерда — саноат корхоналари ва зарбдор қурилишларда, «қора олтин» конлари ва гигант газ қурилиши трассаларида, колхоз-совхозларнинг серунум далалари ва бағри кенг яйловларида социалистик мусобақа байроғи борган сари юксак кўтарилиб, ижодий меҳнат тўлқини кун сайин кучлироқ жўш урмоқда. Эндиликда коммунистчасига ишлаб, қўлга киритаётган порлоқ меҳнат самаралари билан эл-юртни мамнун қилаётган бригадалар, цехлар, сменалар, корхоналар, колхоз-совхозлар сафи тўхтовсиз ўсиб бормоқда.

Кўпчилик саноат корхоналари етти йилликнинг учинчи йили топшириқларини муваффақиятли уддалаб қолдилар, колхоз-совхозлар эса КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кескин суратда кўпайтириш ҳақидаги тарихий қарорларини изчиллик билан бажариш учун янги марраларга интилмоқдалар. Ҳозирги пайтда ҳар бир меҳнаткашнинг — оддий ишчи ва инженер-техниканинг, олим ва конструкторнинг, пахтакор колхозчи ва механизаторнинг, пешқадам пиллачи ва донгдор чорвадорнинг оташин қалби коммунизм жамияти қуришдек улуғвор ишга мумкин қадар ўзининг кўпроқ ҳиссасини қўшиш истаги билан тўлиб-тошмоқда.

КПСС съезди арафасида халқ хўжалигининг барча соҳасида авж олиб бораётган социалистик мусобақа ва коммунистчасига ишлаш ҳаракати меҳнатсевар, ижодкор совет халқини Ватанимизнинг шон-шуҳратини оширишда ва куч-қудратини мустаҳкамлаш йўлида янгидан-янги ташаббуслар бошлашга даъват этмоқда.

— Шонли Коммунистик партиямиз съездини муносиб меҳнат совғалари билан нишонлаймиз!

Бечағина она-Ватанимиз пойтахти — Москва корхоналарининг комсомол-ёшлари — коммунистчасига меҳнат қилиш мусобақасининг қатнашчилари бошлаб берган ва гоят зўр аҳамиятга эга бўлган бу ватанпарварлик ташаббуси бугун бепоён элимизнинг ҳамма еридаги каби республикамизда ҳам оммавий ҳаракатга айланиб бораётир. Чунки инсониятнинг эзгу орзуси—коммунизм ғалабаси йўлида ҳормай-толмай ижодий меҳнат қилиб, шу олижаноб мақсад йўлида фидокорлик кўрсатаётган миллионлар қаторидан фахрли ўрин олишни ҳар бир совет киши ўзи учун шон-шараф иши, қаҳрамонлик иши деб билади.

Партиямиз съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб фидокорона ишлаган Тошкент шаҳри ва области саноат ходимлари беш ойлик ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари адо этган, Хоразм чорвадорлари давлатга қоракўл тери сотиш планини, Термиз, Калинин, Учқўрғон, Қарши, Свердлов, Шофрикон район пиллачилари эса йиллик пилла тайёрлаш планини бажарганликлари ҳақида Ватанга ғалаба рапорти берган эканлар, бу, ана шу қаҳрамонликнинг ёрқин самарасидир. Республикамиздаги айрим илғор бригадалар ёки колхозларгина эмас, балки барча колхоз-совхозлар, бутун республика меҳнаткашлари бу йил мамлакатга 3 миллион 200 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш, «дала маликаси»дан юқори ҳосил олишда пешқадамлар эришаётган кўрсаткични қўлга киритиш учун енг шимариб катта юриш бошлаган экан, бу, ана шу қаҳрамонликнинг чексиз намунасидир.

Москваликлар ташаббусини том маъноси билан янги ғайрат ва жасорат эстафетаси деса бўлади. Шу кунларда биргина Тошкент тўқимачилик комбинатида ўн мингдан ортиқ ишчи бу ажойиб ташаббусга қўшилиб, партия съездига ўзининг шахсий совғасини тайёрлаш—меҳнат унумдорлигини ошириш ва янги юксак марраларни эгаллашда ҳаммага манзур бўладиган кўрсаткичларга эришиш мажбуриятини олди. Бу ҳаракатни Сурхондарё областида биринчи бўлиб қувватлаган Қамаши районидаги Ленин номли колхозда Хоним Суярова бошлиқ комплекс механизациялашган бригада аъзолари юз гектар ернинг ҳар гектаридан ўтган йилдаги 22 центнер ўрнига, 40 центнердан пахта етиштиришга аҳд қилдилар.

Қорақалпоғистон АССР Мўйноқ районидаги «Коммунизм» колхозининг забардаст балиқчиси Зибайхон Ажимуратова съезд очилиш кунига қадар аввалги мўлжалдаги 160 ўрнига 200 центнер балиқ овлашга сўз берди. ВЛКСМ XX йиллиги номидаги Бухоро тикувчилик фабрикасининг махсус машина моторчиси Лидия Караваишкина съезд очилиш кунига қадар ўн ойлик ишлаб чиқариш планини ошириб бажариб, икки қизга ўз касбини ўргатиш ва ўзи эса қўшимча беш операцияни эгаллашга қарор қилди. Бундай мисоллар кўп.

Давримизнинг ақл-идроки ва шоншарафи бўлган ленинчи партиямизнинг XXII съездини коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳасида муносиб меҳнат зафарлари билан нишонлаш—совет кишиларининг муқаддас бурчидир. Партия, касаба союз ва комсомол—ташкилотлари корхона ва қурилишларда, колхоз ва совхозларда, хуллас ҳамма ерда меҳнаткашларнинг ана шу йўлдаги ҳар қандай ижодий ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари, уларнинг сиёсий ва меҳнат активлигини кучайтириб, бутун куч ва ғайратини етти йилликнинг учинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажаришга тўла сафарбар этиш учун машъалларнинг тажрибаларини оммалаштиришлари, бутун жабҳада янгидан-янги ғалабаларнинг калити бўлган социалистик мусобақани тағин ҳам тўлқинлатиб юборишлари лозим.

Шунга эришиш керакки, бутун совет халқи каби республикамизнинг ҳар бир меҳнаткаши ҳам партиямизнинг навбатдаги съездини буюк етти йилликнинг учинчи йили топшириқларини бажаришда янги ютуқларни қўлга киритиб, ёруғ юз ва ҳаққоний фахрланиш туйғулари билан кутиб олсин!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Планларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларнинг ошириб ёзилиши ва бошқа хилдаги бузиб кўрсатишлар учун жавобгарлик тўғрисида

СССР Олий Советининг Президиуми **қарор қилади:**

Белгилаб қўйилсинки, давлат ҳисоботларига ошириб ёзиш ва планларнинг бажарилиши тўғрисида атайин бузиб кўрсатилган бошқа ҳисобот маълумотларини тақдим этиш давлатга қарши қаратилган ва СССР халқ хўжалигига зарар етказадиган ҳаракат деб қаралиши лозим ва бунда айбдор бўлган шахслар уч йилгача муддат билан озодликдан маҳрум қилиниш билан жазоланадилар.

Иттифоқчи республикалар Олий Советлари Президиумларига иттифоқчи республикаларнинг жиноят кодексларига шу Фармонга мувофиқ қўшимча киритиш топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1961 йил, 24 май.

Социалистик мажбуриятларини бажарган Норин ва Учқўрғон районларининг илғор пиллачиларига тенглашинг!

Ҳурмат тахтаси

Пилла тайёрлаш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика **Ҳурмат тахтасига** ёзиладилар:

Андижон область, **НОРИН РАЙОНИ** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Эгамбердиев**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Мирзаахмедов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Раҳимжонов**, район ипакчилик идорасининг мудири ўртоқ **Матиев**, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш бўйича давлат инспектори ўртоқ **Турсунов**);

Андижон область, **УЧҚЎРҒОН РАЙОНИ** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Набиев**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Эрназаров**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Акрамов**, район ипакчилик идорасининг мудири ўртоқ **Қўчқоров**, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш бўйича давлат инспектори ўртоқ **Абдуллаев**).

НОРИНЛИКЛАРГА ОФАРИН

Норин районининг пиллачилари КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақага қўшилиб, пилла етиштириш юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларини 23 майда бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Район давлатга пландаги 128,8 тонна ўрнига 135,5 тонна пилла топширди.

Райондаги 9 та колхоздан 7 таси олинган мажбуриятни ошириб бажарди. Айниқса «Победа» колхози пиллачилари ажойиб ғалабани қўлга киритдилар. Бу ерда ҳар бир қути қурт уруғидан 48 килограмм ўрнига 69 килограммдан пилла олинди ва давлатга планга қўшимча равишда 4 тоннадан кўпроқ пилла сотилди. Колхознинг Абдулҳаким Маликов бошлиқ пиллачилик бригадасида ҳар қути қурт уруғидан ўртача 72 килограммдан ҳосил олинди. Қундузхон Мўлдошева, Шамсихон Бўтаева, Мунисхон Абдуллаева каби пешқадам пиллачилар ҳар қутидан 132-105 килограммдан пилла териб олдилар.

Энгелс номли колхоз пиллачилари эса плондан ташқари давлатга 1336 тонна пилла топширдилар. «Ўзбекистон» колхози мажбуриятни 116 процент. «Коммунизм» колхози пилла тайёрлаш планини 113 процент. Сталин номли колхоз 101 процент адо этди.

Мўл пилла ҳосили етиштириш ва давлатга топширишда ўртоқ Саври Қирғизбоева раислик қилаётган Карл Маркс номли колхоз аъзолари ҳам мақтовга сазовор кўрсаткичларни қўлга киритдилар.

ҚЎШИМЧАСИ — 6 ТОННА БЎЛАДИ

УЧҚЎРҒОН, **(Телеграф орқали).** Райондаги «Ленинчи» колхози пиллачилари партия XXII съездини муносиб кутиб олиш учун қураШиб, қурт боқишнинг илғор усулларини кенг қўлландилар. Улар бағдоддлик пиллачилар ташаббусига қўшилиб, ипак қуртини нобуд қилмай асраб, мўл ҳосил олдилар. Шу туфайли колхоз давлатга пландаги 21500 килограмм ўрнига 24627 килограмм пилла топширди. 410 қути қурт уруғининг ҳар қутисидан ўртача 65 килограммдан ҳосил олинди. Холиқов, Маъмурова, Нишоновалар ҳар қутидан 120-152 килограммдан пилла топширдилар.

Район колхозлари ҳозирча давлатга 120 тонна пилла топшириб, мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Пиллачилар қўшимча яна 6 тонна пилла топширишга аҳд қилдилар.

Пилла тайёрлаш қизғин давом этмоқда.

Тошкент. 15-қурилиш трестининг С. Ларин бошлиқ кранчилар бригадаси съезд олди вахтасида туриб фидокорона меҳнат қилмоқда. Суратда: шу бригаданинг илғор кранчиси Аня ЕРЕМЕЕВА.

А. Тўраев фотоси.

САНОАТЧИЛАР ЗАФАРИ

Тошкент шаҳар ва область саноати 5 ойлик планни бажарди

КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш учун курашаётган Тошкент шаҳри ва области саноат корхоналари коллективлари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар кеча, 25 майда, буюмларнинг энг муҳим турлари ва ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш беш ойлик планини муддатидан илгари бажардилар. Беш ойлик планга қўшимча равишда халқ хўжалигимиз учун яна анчагина миқдорда пўлат, прокат, кўмир, электр қуввати ва бошқа саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

1962 ЙИЛ ҲИСОБИГА

Қува районидаги Карл Маркс номли колхоз паррандачилари давлатга 45 минг дона тухум сотиб, йиллик планни тўрт ойдаёқ бажаришга муваффақ бўлдилар. Колхоз етти йилликнинг тўртинчи йили ҳисобига икки минг донага яқин тухум топширди.

Т. ТЎХТАНАЗАРОВ.

СОМАЛИ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОШ МИНИСТРИ АБДИРАШИД АЛИ ШЕРМАРК МОСКВАГА КЕЛДИ

МОСКВА, 24 май. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раисининг таклифига биноан, Самоли Республикаси бош министри Абдирашид Али Шермарк расмий визит билан бугун Москвага келди.

Внуково аэродромида ҳурматли меҳмонни СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. В. Хрушчев ва бошқа расмий кишилар, шунингдек Москва меҳнаткашларининг вакиллари кутиб олдилар.

Н. С. Хрушчев Сомали Республикасининг бош министрини самимий табриклади. Абдирашид Али Шермарк жавоб нутқи сўзлади.

Н. С. ХРУШЧЕВ АЛИ ШЕРМАРКНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев расмий визит билан Совет Иттифоқига келган Сомали Республикаси бош министри Абдирашид Али Шермаркни 25 майда Кремлда қабул қилди.

Гоят самимий ва дўстона вазиятда ўтган суҳбат давомида Н. С. Хрушчев ва Абдирашид Али Шермарк Совет-Сомали муносабатлари масалалари юзасидан, шунингдек бир қанча актуал халқаро проблемалар юзасидан фикр олишдилар. (ТАСС)

Сомали Республикасининг бош министри Абдирашид Али Шермарк Л. И. Брежнев ҳузурида бўлди

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг таклифига биноан Совет Иттифоқига келган Сомали Республикаси бош министри Абдирашид Али Шермарк 25 майда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ҳузурида бўлди.

Л. И. Брежнев билан А. А. Шермарк самимий, дўстона суҳбатлашдилар. (ТАСС).

ВЦСПСнинг еттинчи пленуми

МОСКВА, 24 май. (ТАСС). Бугун Союзлар уйининг Колонна залида ВЦСПСнинг еттинчи пленуми ўз ишини бошлади. Пленумни КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат, ВЦСПС раиси В. В. Гришин очди.

Пленумда касаба союзлари советлари ва марказий комитетларининг раислари ва секретарлари, касаба союзлари фабрика-завод, маҳаллий ва ишчи комитетларининг раислари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, партия ва комсомол органларининг ходимлари, министрликлар ва бошқармаларнинг, жамоат конструкторлик бюроларининг, новаторлар кенгашларининг раҳбарлари, доимий ишлаб чиқариш кенгашларининг раислари, хўжалик ва план органларининг раҳбарлари қатнашмоқдалар.

Пленумнинг кун тартибида икки масала: биринчиси — касаба союз ташкилотларининг саноатда, қурилишда, транспортда ва қишлоқ хўжалигида КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириш соҳасидаги ишлари тўғрисидаги, иккинчиси — совет касаба союзларининг халқаро алоқаларини янада ривожлантириш тўғрисида ва касаба союзларининг бешинчи жаҳон конгрессига тайёргарлик ҳақидаги масалалар бор.

Биринчи масала юзасидан бугун Москва шаҳар касаба союзлари советининг раиси В. И. Крестьянинов, Украина касаба союзлари республика советининг раиси В. К. Клименко, Ленинград область касаба союзлари советининг раиси А. А. Слепухин доклад қилдилар.

МОСКВА, 25 май. (ТАСС). Бугун Москвада, Союзлар уйининг Колонна залида ВЦСПС VII пленуми ўз ишини давом эттирмоқда. Касаба союз ташкилотларининг саноатда, қурилишда, транспортда ва қишлоқ хўжалигида КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириш соҳасидаги ишлари ҳақидаги докладлар муҳокама қилинмоқда.

Музокараларда Кузнецк металлургия комбинатининг пўлат эритувчиси В. З. Данъшин, Иваново меланж комбинатининг коммунистик меҳнат бригадаси раҳбари А. К. Лебедева ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Шофрикон ва Қизилтепа пиллачиларининг ғалабаси

БУХОРО, **(«Қизил Ўзбекистон» мухбири).** Шофрикон районининг пиллачилари қуртни жадал усулда боқиб, яхши натижаларга эришдилар. Улар пилла тайёрлаш планинигина эмас, олинган социалистик мажбуриятини ҳам ошириб бажардилар. Район давлатга ҳаммаси бўлиб 118 тоннадан зиёдроқ сифатли пилла топширди. Райондаги «Ўзбекистон», Карл Маркс номли, Хрушчев номли колхозлар планни 110-115 процент қилиб адо этдилар. Шофриконликлар давлатга яна 10 минг килограмм пилла топшириш юзасидан қўшимча мажбурият олдилар.

Бухоро областида Свердлов ва Шофрикон районларидан кейин Қизилтепа райони ҳам пилла тайёрлаш йиллик планини 100.5 процент қилиб бажарди. Райондаги Жданов номли колхоз пиллачилари ўз зиммаларига олган мажбуриятларини 101 процентдан ошириб бажардилар. Карл Маркс номли колхознинг ўртоқ Гулбиби Болтаева бошлиқ звеноси уч қути қурт уруғидан 360 килограмм сифатли пилла топширди.

ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ МУЗОҚАРАЛАРНИНГ ТАНТАНАСИ УЧУН

Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитетининг раиси Н. С. ТИХОНОВ билан суҳбат

Шу йил 3 июнда Венада икки буюк давлатнинг бошлиқлари — СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва Америка Қўшма Штатларининг президенти Ж. Кеннеди учрашадилар.

Барча мамлакатлардаги тинчлик дўстларининг ҳаммаси бу хушхабарни хурсандлик билан кутиб олдилар.

Мен совет тинчлик тарафдорлари, демак — барча совет кишилари давлатлар ўртасидаги низоли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш соҳасида қўйилган ана шу хайрли қадамни табриклашдан десам, ҳаммасининг фикрини ифодалаган бўламан, деб ўйлайман.

Тинчлик тарафдорлари бўлган бизлар халқаро проблемаларни тинч йўл билан ҳал қилиш учун доим курашиб келдик ва бундан буён ҳам кураша берамиз. Жаҳон тинчлик тарафдорлари ҳаракати тинчлик руҳидаги музокараларнинг тантана қилиши учун актив суратда ёрдам беришни ўзининг олижаноб мақсадларидан бири деб эълон қилди.

Жуда катта миқдордаги ядро қуроли йиғилиб қолган бизнинг замонамизда низоли масалаларни уруш йўли билан ҳал қилиш фаросатсизлик бўлур эди. Уруш муқаррар бир нарса эмаслигини, халқлар қурол-яроғ бўлмайдиган, урушлар бўлмайдиган дунё барпо этилишига эришиш олишларини воқеаларнинг бутун жараёни, турмушнинг ўзи бугунги кунда тасдиқлаб турибди.

Халқларнинг ўзлари урушга **йўл қўймасликларини** қатъий суратда айтишлари керак. Ғарбдаги мамлакатларнинг ҳукуматлари зўравонлик позициясида туриб иш кўриш сингари ҳунук истакдан воз кечишлари ва тинч ҳамкорлик қилиш йўлига, тинч-тотув яшаш йўлига ўтишлари керак. **Тинч йўл билан ҳал қилиш мумкин бўлмаган бирорта ҳам низоли масала йўқ.** Тинчлик дўстларининг ҳаммаси ана шунга қатъий аминдирлар.

Совет халқи, ҳукуматимиз ва унинг бошлиғи — тинчлик учун толмас курашчи Никита Сергеевич Хрушчев тинчлик руҳидаги музокараларнинг тантана қилиши учун доим курашиб келдилар ва курашмоқдалар. Бутун совет жамоатчилиги ўз ҳукуматининг ёпинасига ва батамом қуролсизланишга эришишга, бутун дунёда мустаҳкам тинчлик ўрнатилишига эришишга қаратилган тадбирларини қизғин табрикламоқда.

Н. С. Хрушчевнинг АҚШ президенти Ж. Кеннеди билан Венада бўладиган учрашуви — совет халқи ўзгармас тинчликсевар сиёсатининг, унинг Америка халқи билан, ҳамма халқлар билан дўст бўлиб тинчликда яшаш йўлидаги интилишининг янги далилидир.

Барча мамлакатлардаги тинчлик дўстлари Венада бўладиган бу учрашувдан нималарни кутмоқдалар? — деган саволнинг туғилиши табиийдир.

Улар бу учрашув халқаро кескинликни юмшатишга, икки буюк давлат, яъни СССР ва АҚШ ўртасида ҳамкорлик ўрнатилишига ёрдам беражагига, бу учрашув ҳамма халқларни тўлқинлантираётган низоли масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш йўлларини белгилаб беришига ишонадилар ва шундай бўлади деб умид қилмоқдалар.

Халқлар Венада бўладиган учрашувга катта умид боғламоқдалар, бинобарин бу умидлар оқланиши керак. Шу нарса жуда муҳимки, икки буюк давлат ҳукуматлари бошлиқларининг учрашуви бетараф Австрия пойтахтида ўтказилади. Маълумки, 1952 йилда ана шу Вена шаҳрида тинчликни ҳимоя қилиш учун халқлар конгресси бўлиб ўтган эди. Шу конгрессда тинчлик руҳидаги музокараларнинг тантана қилишига эришмоқ ҳақида ҳамма яхши ниятли кишиларга, барча ҳукуматларга қилинган даъват баралла янграб эшитилди. Биз халқ вакилларининг ана шу чақириғи Н. С. Хрушчев билан Ж. Кеннеди ўртасида Венада ўтказиладиган учрашувда ўзининг реал ифодасини топишини чин қалбдан истаймиз.

Шу йилнинг баҳори халқларга кўпгина хурсандчиликлар келтирди. Совет кишиси Юрий Гагарин космосга биринчи бўлиб йўл очиб, Ер атрофини айланиб чиқди. Америка учувчиси Шепард космосга парвоз қилди. Тинчлик душманларининг бу йилги баҳорни хиралаштириш йўлидаги ҳамма уринишларига қарамай, Женевада Лаос масаласини тинч йўл билан ҳал қилишга бағишланган музокаралар бошланди. Эвианда Жазоир масаласига бағишланган музокаралар бошланди, ядро қуроли синовларини тўхтатиш юзасидан Женевада бошланган музокаралар бир неча ойдан бери давом этмоқда. Тўғри, қурол-яроғларни ишга солишдан кўра, атом бомбалари синовларини давом эттиришдан кўра, «тўғарак стол» атрофига ўтириб, низоли проблемаларни ҳал этиш йўлларини қидириб топиш яхшироқдир. Бутун жаҳон жамоатчилиги бу музокаралар ўз самараларини келтиришини, ижобий натижалар беришини кутмоқда.

Шу кунларда Америка Қўшма Штатларидан жамоат арбобларининг катта бир группаси бизнинг мамлакатимизга — Совет Иттифоқига келди. Ҳозирги пайтда Қримда, Қуйи Ореандa курортида энг муҳим халқаро проблемалар ҳақида совет ва Америка жамоатчилигининг вакиллари ўртасида тинчлик руҳидаги кенг мунозаралар олиб борилмоқда.

Совет кишилари Америка жамоатчилиги вакилларини табрикламоқдалар. Улар бу учрашувнинг муваффақиятли ўтишини истамоқдалар. Бу учрашув Америка — Совет муносабатларининг янада яхшиланишига ёрдам берадиган дўстлик алоқаларини тобора кўпроқ мустаҳкамланиши мумкинлигидан ва мустаҳкамланиши лозимлигидан дарак берувчи хушхабардир.

Биз шу нарсага астойдил ишонамизки, барча тинчликсевар кишиларнинг биргаликда куч-ғайрат сарфлашлари натижасида бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилиш ва ядро уруши хавфининг олдини олиш мумкиндир.

Барча совет тинчлик тарафдорларини бирлаштирувчи Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитети Венада ўтказиладиган учрашувда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчевга ва АҚШ президенти Ж. Кеннедига катта муваффақиятлар тилайди.

Бу учрашув халқларга хушхабар келтирсин. Бу учрашув ақл-идрок йўли, тинчлик руҳидаги музокаралар йўли — бирдан-бир тўғри йўл эканлигининг янги далили бўлсин.

МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ—ПАРТИЯМИЗ СЪЕЗДИГА МУНОСИБ СОВҒА!

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Фарғона область партия комитети пленумидан

<>

ФАРҒОНА. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорлари фарғоналикларни янада яхшироқ ишлашга, қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини тағин ҳам ривожлантириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни бажаришга илҳомлантирди. Область пахтакорлари, чорвадорлари етти йилликнинг учинчи йилида она-Ватанга 450 минг тонна пахта, 20.2 минг тонна гўшт, 55 минг тонна сут, 7.5 миллион дона тухум, 35.9 минг тонна картошка, 100,4 минг тонна полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришга аҳд қилдилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг шоналари XXII съезди шарафига авж олиб кетган социалистик мусобақа яхши натижалар бермоқда. Область саноати тўрт ойлик ишлаб чиқариш топшириқларини 103,7 процент бажарди. Шу давр ичида пландан ташқари 483 минг сўмлик юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилди. Қурилиш, монтаж, транспорт ва алоқа ишлари илгаригига қараганда анча яхшиланди.

Қишлоқ хўжалик механизаторлари ҳам янги муваффақиятларни қўлга киритяптилар. Область пилла чилари социалистик мажбуриятни шараф билан бажариш учун бугун кечагидан, эртага бугунгидан унумлироқ меҳнат қилмоқдалар. Пунктларга топширилаётган пилланинг миқдори тобора кўпайиб боряпти. Пилла чиларнинг галаба рапортлари узлуксиз келиб турибди.

Ўтган йилги хато ва камчиликларга йўл қўймаслик учун колхоз, совхозларда бўз ерларни ўз вақтида тайёрлаш, чигитни сифатли экиш, уни ердан бехато ундириб олиш, ҳамма майдонларда ғўза парваришини агротехника қоидалари асосида ўтказиш юзасидан анча ишлар қилинди. Кўпгина колхоз ва совхозлар чигит ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экишни аввалги йилларга қараганда 10-15 кун илгари тамомладилар.

— КПСС XXII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақа тобора авж оляпти, — деди область партия комитети пленумида КПСС Марказий Комитети январь ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети олтинчи пленуми қарорлари ҳамда социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисида доклад қилган область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Т. Қамбаров.—халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида дастлабки ютуқлар қўлга киритилди. Лекин ишимизда ҳали жиддий нуқсонлар бор. Олинган социалистик мажбуриятларнинг тўла-тўкис бажарилиши партия, комсомол ташкилотлари, совет органларининг жонговар кобилиятига, ташкилотчилик ишларига боғлиқ. Аммо жойларда партиявий-ташкилий, партиявий-сиёсий ишлар даражаси ҳали ҳам паст.

Айрим колхоз ва совхозларда дала ишлари ўз вақтида сифатли ўтказилмаяпти. Бунга сабаб область партия комитети ва область ижроия комитетининг колхоз ва совхозларга етарли даражада малакали раҳбарлик қилмаётганлигидир. Қатор хўжаликларда ғўзаларнинг қалинлиги зарур миқдорда бўлиши таъминланмаяпти. Моддий-техника, сув ва меҳнат ресурсларидан тўла фойдаланилмаяпти, қишлоқ хўжалик ишларининг бажарилиш муддатлари кечиктириб юборилаяпти.

Тўғри, бу йил баҳор эрта келди. Экин илгариги йиллардан анча барвақт ривожланяпти. Энди ғўзанинг қизғин парваришига киришилган бир вақтда — 14 май куни қаттиқ бўрон бўлиб экинларнинг бир қисмини нобуд қилди. Бу ҳол колхоз ва совхозларнинг муайян даврдаги ишларида қийинчилик туғдирди. Партия ташкилотлари ва колхоз правлениелари, совхоз раҳбарлари ташкилий ишларни моҳирлик билан уюштирган, барча кучлар дала ишларига тўла сафарбар қилинган жойларда ҳамма ишлар сифатли ўтказиляпти. Об-ҳавонинг ниначиклиги сабот билан енгиляпти.

Бироқ область колхоз ва совхозларида шу кунгача 30 минг гектар майдондаги чигит текис ундириб олингани йўқ. Айрим колхоз ва совхозларда ғўза тупларининг қалинлиги талабдагидек эмас, ола ерлар кўп. Ғўза парвариши кўнгилдагидек олиб борилмаяпти. Ишга яроқли кучларнинг салкам 40 проценти, культиватор ва бошқа механизмлардан 30 процентдан кўпроғи шу кунгача дала ишларига сафарбар қилинмаган. Сувдан фойдаланишда жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда. Областнинг Олтиариқ, Фрунзе, Қува, Охунбобоев, Куйбишев ва Марғилон районларида қишлоқ хўжалигининг пахтачиликдан бошқа соҳалари оқсамоқда.

Пленумда сўзга чиққан Поп район партия комитетининг секретари М. Раҳимов 500 гектар майдондаги ғўза тўла шонага киргизилганлиги, Ленин номли, Жданов номли, «Коммунизм», «Правда» колхозларида ҳамма майдондаги чигит текис ундириб олиниб, ғўза парвариши кучайтириб юборилганини айтди.

Районда тўла гектарга риоя қилиняпти. Ҳар бир ниҳолни парвариш қилиш чораси кўриляпти. 2600 гектар майдондаги аввжи паст ғўзалар табақалаб парвариш қилиняпти.

Олтиариқ, Ленинград, Куйбишев, Марғилон, Охунбобоев район партия комитетларининг секретарлари М. Муҳиддинов, Н. Охунов, Т. Оҳунов, Д. Султонов, М. Абдуллаев ўртоқлар дала ишларининг аҳволи тўғрисида гапирдилар. Ленинград районидаги «Сталинград» колхозининг машҳур пиллачиси Олияхон Султонова, Ўзбекистон районидаги «Партия XX съезди» совхозининг бригада бошлиғи Ш. Шерматова, Қува районидаги «Социализм» колхозининг бригадири Т. Умаров, Фрунзе районидаги Калинин номли совхоз директори А. Муштариқ ўртоқлар ўз иш тажрибаларини айтиб бердилар.

Пленум ишида қатнашган Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Е. Насриддинова нутқ сўзлади.

Кун тартибидаги иккинчи масала — Фарғона азот-ўғит заводининг биринчи навбат қурилишини КПСС XXII съезди очилиши кунигача битказиш ва фойдаланишга топшириш тўғрисида 8-қурилиш трестининг бошқарувчиси А. Алтихов, завод директори М. Бўрибоев ўртоқларнинг докладлари эшитилди. Бу масала юзасидан сўзга чиққан қурувчилардан Воҳидов. Собиров. Прохоров. Пономарев ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети саноат ва транспорт бўлимининг мудири А. Султонхўжаев ўртоқлар заводнинг ўз вақтида битказилиши съездга муносиб совға бўлажагини таъкидладилар.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди. Пленумда ташкилий масалалар ҳам кўрилди.

И. ТЎХТАСИНОВ.

ЦЕЛИНОГРАДГА!

Каттақўрғондаги «Продмаш» заводидан машиналар ортилган 15 вагон Қўриқ ўлка пойтахти — Целиноградга борадиган транзит поездга уланди. Бу поезд Каттақўрғондан бошлаб бутун йўл давомида жадал ҳайдаб борилди ва Қозоғистон магистралига графикдан олдин топширилди.

Тошкент магистралидан Целиноградга ҳар куни юк ортилган вагонлар жўнатилиб турибди. Бу юклар орасида элеваторлар қурилиши учун темир бетон конструкциялар ҳам бор. Станциялар коллективлари Целиноградга борадиган поездларни жадал метод билан тузиб, юкларнинг Қўриқ ўлкага ўз вақтида етказиб берилиши учун ҳамма чорани кўрмоқда.

Бухородаги Тельман номли йигирув-тўқув фабрикасининг илғор ишчиси Ҳосият Раҳимова смена топшириқларини доимо ошиғи билан бажаради. У, партиямизнинг XXII съездини янги меҳнат зафарлари билан кутиб олмоқчи. Суратда: Ҳосият РАҲИМОВА.

Ш. Мўминов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ТАХИАТОШ ГРЭСИ ҚУРИЛИШИДА

ЛОЙИҲАНИ КУТЯПМИЗ, ЎРТОҚ МАЛЮГА!

Тахиатош ГРЭСининг биринчи навбат қурилишида асосий ишлар тугалланди. Кўп ўтмасдан 12 минг киловатт қувватли турбогенератор электр қуввати ишлаб чиқара бошлайди.

Энди Тахиатош нурхонасининг иккинчи навбатини қуришга киришиш керак. Шу йилнинг ўзидаёқ, катта ҳажмдаги ишларни бажариш планлаштирилган,

Бутуниттифоқ Давлат Лойиҳа институти — «Теплоэлектропроект» институтининг Ўрта Осиё бўлими раҳбарлари иккинчи навбат қурилишининг асосий лойиҳа-смета ҳужжатларини шу йил 28 июлга етказиб беришмоқчи. Бу муддат жуда кеч. Қурувчи ва монтажчилар асосий лойиҳа ҳужжатлари июнь ойида етказиб берилишини талаб қилмоқда.

А. ЧЕРЕМИН,
Тахиатош ГРЭСи қурилиш бошқармасининг бошлиғи.

А. АБДУҚОДИРОВ,
«Қизил Ўзбекистон» махсус мухбири.

ЯҚИН ҚОЛДИ

Совет кишиларининг моддий даромади тобора кўпаймоқда. Ишчи ва хизматчилар ўз жамғармаларининг бир қисмига 3 процентли давлат ички ютуқлари заёми сотиб олмоқдалар. Масалан, 1960 йилда ва 1961 йилнинг биринчи кварталида биргина Тошкент шаҳар, Киров районидаги омонат кассаларидан аҳоли янги пул миқёсида 494 минг сўмлик заём облигациялари сотиб олди.

Район омонат кассалари аҳолига кейинги ярим йил ичида янги пул ҳисобида 101 минг сўм ютуқ пули тўлади. Заёмдан бир киши 5.000 сўм, уч киши 2.500 сўмдан, 7 киши 1.000 сўмдан, кўплари эса 100-500 сўмдан ютдилар.

3 процентли давлат ички ютуқлар заёмининг навбатдаги тиражи 30 майда Калинин шаҳрида ўйналади. Шу кунларда район меҳнаткашлари кўплаб облигациялар сотиб олаётирлар.

Б. Д. РОЙЗЕНГУРТ,
Тошкент шаҳар, Киров районидаги 3649-омонат касса инспектори.

„ЗАНГОРИ ЁНИЛҒИ"

Газли конининг меҳнаткашлари бу йил Ўзбекистон шаҳарларига 150 миллион кубометр «зангори ёнилғи» берадилар. Ҳозир бу ерда қурилаётган Газли-Коғон газ қувурига туташтириб қўйиладиган дастлабки йигирмата қудуқ қуриш ишлари бошлаб юборилди. Иш жойига ер қазиш техникаси, ускуна ва механизмлар келтирилмоқда.

Мамлакатда энг катта арзон ёнилғи манбаининг кончилари КПСС XXII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб, шу муҳим воқеага қадар ўн миллион кубометр, яъни топшириқда белгиланганидан беш баравар кўпроқ табиий газ чиқарилишини таъминлашга ваъда бердилар. (ЎзТАГ).

САНЪАТ КУНДАЛИГИ

«Мирзо Улуғбек» Ҳамза театри саҳнасида

Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек Давлат академик драм театрининг ижодий коллективи шоир-драматург Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» асарини саҳнага қўйди.

Асосий ролларни СССР халқ артисти Шукур Бурхонов (Улуғбек), Ўзбекистон халқ артистлари Н. Раҳимов (Бобокайфий), Қ. Ҳўжаев (Саккокий), О. Жалилов (Пирзиндоний), С. Табибуллаев (Отамурод деҳқон), З. Садриева (Гавҳаршодбегим), И. Болтаева (Нигорхоним), З. Муҳаммаджонов (Абдуллатиф) ва Н. Муродов (Фармоншоҳ) ижро этадилар.

Ўтган якшанба куни «Мирзо Улуғбек» спектаклининг премьераси бўлди.

Н. ИНОҚОВ.

Далада концерт

Сурхондарё область музикали драма театри коллективи кўклам дала ишлари даврида пахтакорларга маданий хизмат кўрсатиш мақсадида иккита махсус группа ташкил этди.

Хадичахон Бобохонова раҳбарлигидаги санъаткорлар группаси областнинг Сурхон зонасидаги колхоз ва совхозларда концерт бердилар. Шўрчи районидаги Жданов номли, Охунбобоев номли ва Сталин номли колхоз аъзолари уларни яхши кутиб олдилар.

Қашқадарё зонасидаги колхоз ва совхозларда эса, Жамил Ашуров раҳбарлигидаги концерт бригадаси ўз санъатларини намойиш қилди.

Санъаткорлар пахтакорлар ҳузурида 15 кун бўлиб, «Фарғона ҳикояси», «Майсанинг иши», «Тўй» спектаклларидан парчалар кўрсатдилар ва замонавий қўшиқ ҳамда ашулалар билан пахтакорларни хурсанд қилдилар.

Ш. СИДДИҚОВ.

Меҳнаткашлар мамнун

Бағдод район маданият уйи ҳузурида ташкил этилган ҳаваскорлар тўгараги аъзолари шу кунларда район колхозларига тез-тез чиқиб концерт кўрсатмоқдалар. Ўртоқ Н. Абдуллаев раҳбарлик қилаётган ҳаваскор-санъаткорлар қисқа вақт ичида «Қизил Ўзбекистон», «Победа» ва бошқа кўпгина колхозларда концертлар кўрсатди.

Я. ЭРГАШЕВ,
Д. АБРАМОВ,
А. СОТИБОЛДИЕВ.

КОЛЛЕКТИВ АҲИЛ БЎЛСА...

Ингичка кони коллективи ўтган йилнинг охирги квартал планини бажара олмади, 1961 йилнинг январь ойи топшириғи ҳам адо этилмай қолди. Очиқ партия йиғилишида коммунистлар, комсомоллар ва партиясиз илғор ишчилар сўзга чиқиб, коллектив аъзоларини КПСС XXII съезди шарафига социалистик мусобақага қўшилиш ва коммунистик меҳнат корхонаси номини олиш учун курашишга чақирдилар.

Айрим кишилар бу ташаббусга ишончсизлик билан қарадилар. Аввал қолоқликни тугатайлик, ундан кейин бу юксак ном учун курашармиз, дейишди улар. Аммо кўпчилик бу фикрни рад этди. Ҳатто ўн ойлик планни съезд очиладиган кунгача бажариш тўғрисида мажбурият олишди.

Ҳақиқатан ҳам зиммага катта мажбурият олинган эди. Бироқ коммунистлар «ваъда қилдингми, унинг уддасидан чиқ, мажбурият олдингми, бажар» деган қоидага амал қилдилар. Улар астойдил ишга киришиб, бирин-кетин муваффақиятларни қўлга кирита бошладилар. «Капитальная» шахтаси фойдаланишга топширилгач, иш ҳажми кенгайди. 4-шахтани тайёрлаш ҳам тезлаштирилди. Шундай қилиб, планнинг бажарилишига тўсқинлик қилаётган гов олиб ташланди.

Шахтада барча смена ва бригадалар ўртасида мусобақа қизитилди. 1-шахта коллективи бу мусобақада олдинги ўринни эгаллади. Шахтанинг ҳар икки сменасига коммунистик меҳнат коллективи номи берилди. Бунда С. Баталов, М. Шарипов, М. Цой бошлиқ бригадаларнинг аъзолари, парамаловчилардан В. Веселов, А. Тўхтаев, Г. Кузнецов ва бошқа ўнлаб ишчиларнинг ҳиссаси катта. Улар «бир киши—ҳамма учун, ҳамма—бир киши учун» шиорига амал қиладилар. Худди шу туйғу коммунистлардан Р. Шмотьева, А. Силантьев, А. Ляликов ўртоқларни Валентина Гаганова изидан боришга ундади. Улар шахсий манфаатларидан воз кечиб, қолоқ бригадаларга ишга ўтдилар.

Бу ҳаракат тез орада бошқа объектларга ҳам тарқалди. Шу тариқа иш бошига ғайратли, ташаббускор ва ташкилотчи кишилар келди. Улар ишчиларни аҳил, уюшқоқ коллектив қилиб уюштира олдилар.

Натижада апрель ойи планини муддатидан анча олдин бажариб, Каттақўрғон шаҳридаги корхоналар бўйича биринчиликни эгалладик. Дастлабки муваффақият кончилар ғайратини оширибгина қолмай, кончилар москваликларнинг партия съездини муносиб совғалар билан нишонлаш ҳақидаги ташаббусига қўшилиб, ўз зиммаларига конкрет мажбуриятлар олиштилар. Р. Штейнберг ва А. Солиев бошлиқ бригадаларнинг аъзолари кунлик иш нормасини 1,5-2 ҳисса ошириб бажаришга сўз беришди.

Бизда «бугун новатор эришган маррага эртага коллектив эришсин» деган шиор майдонга ташланди. Шунинг учун ҳам коллективимизнинг ҳар бир аъзоси бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ ишлашга интиляпти.

Ғ. МУРОДОВ,
Самарқандлаги «Ингичка» кони партия бюросининг секретари.

ЙИГИРМА ЁШЛИК

Дўстим, яна келди боғларга баҳор,
Тошкин дарё каби тўлишдик.
Оталарга нўмахчи, мадор,
Энди бола эмас, йигит бўлишдик.
Энди қилолмасак гоғларни талқон.
Уялмиз йигит номидан.
Бизнинг амримизга киради жаҳон,
Нур эмамиз ҳаёт жомидан.
Оталар қўлидан байроқни олиб,
Йўл бошлаймиз йироқ-йироққа.
Ютуқлар топамиз магрур жар солиб,
Зар сочамиз она тупроққа.
Йигирма ёшимиз изи қолади,
Янги саҳро, янги чўлларда.
Йигирма ёшимиз изи қолади.
Қанча водий, қанча йўлларда.
Йигирма ёшимиз изи қолади,
Завод қўйни, иш қучоғида.
Йигирма ёшимиз изи қолади.
Ҳаёт кўнси қиз дулғада.

Омон МУХТОРОВ.

УЧ БАРАВАР КЎПАЯДИ

«Ташсельмаш» заводининг коллективи ўз корхонасини ишлаб чиқариш суръатини сусайтирмаган ҳолда реконструкция қилди. Пахтакор республикаларнинг колхоз ва совхозларига шу йилдаёқ 1960 йилдагига нисбатан 1.850 дан кўпроқ пахта териш машинаси берилади. Етти йилликнинг тўртинчи йилида пахта териш машиналари уч баравар кўпроқ ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши техника-иқтисодий кенгаши раисининг ўринбосари М. И. Делпа Ўзбекистон телеграф агентлигининг мухбири П. Булушев билан суҳбатда қуйидагиларни айтди:

— Машинасозлик корхоналарининг янада ихтисослаштирилиши пахтачиликни комплекс механизациялаш учун зарур техника ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш йўлида муҳим қадам бўлди. Эндиликда «Ташсельмаш» заводида «ХВС-1,2» машиналари учун пахта териш аппаратларигина ишлаб чиқарилади. Агрегатнинг юриш қисмини ишлаб чиқариш Тошкент трактор йиғиш заводига топширилган. Эндиликда «ХВС-1,2» машинасини ишлаб чиқаришда республиканинг 30 дан ортиқ корхонаси қатнашмоқда.

Пахтани қоп-қанорсиз ташиш ҳар бир центнер пахтанинг таннархини янада камайтириш ишида катта роль ўйнайди. Пахта ташишнинг ана шу методини янада кенг жорий қилиш мақсадида Халқ хўжалиги кенгаши қоп-қанорсиз ташиш учун трактор прицеплари ишлаб чиқаришни кескин суратда кўпайтиришни мўлжаллайди. «Ташавтомаш» заводида янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилади. Бу йил шу корхонада 15 мингга яқин прицеплар ишлаб чиқарилади, бу эса ўтган йилдагига нисбатан олти баравардан зиёддир. Етти йиллик мобайнида Ўзбекистон саноати пахтакорларга 100 мингтадан кўпроқ машина тайёрлаб беради. Шундай қилиб, пахтакор республикаларнинг ҳаммаси пахтани қанорларда ташишдан воз кечишлари мумкин бўлади. Колхоз ва совхозлар қоп-қанорлар ҳисобигагина йилига деярли 10 миллион сўм маблағ тежаб қоладилар.

КУН ТАРТИБИДА—«ЗАНГОРИ ЁНИЛҒИ» ПРОБЛЕМАЛАРИ

Тошкент теплоэлектроцентрали печларида зангори машъаллар ловуллаб ёнмоқда... Газли — Урал газ қувури барпо этилмоқда... Чирчиқ электрокимё комбинати табиий газ олишга тайёр... Газ пахтани қуритишга ёрдам бермоқда...

Халқ хўжалигининг табиий газдан фойдаланилмайдиган бирор тармоғи йўқ деса бўлади.

Ўзбекистон ери бағридан топилган ана шу қимматли бойликни ҳар томонлама тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида олиб борилаётган ишларда фан ва техниканинг неча ўнлаб тармоқлари иштирок этмоқда. Эндиликда ана шу соҳада орттирилган тажрибаларни умумлаштириш, институтлар лойиҳалаш, қурилиш, саноат ташкилотларининг фаолиятини бирлаштириш, янги ишлар программасини белгилаб олиш пайти келди.

Ўзбекистонни газлаштиришга бағишланган конференция ана шу проблемаларга бағишланади. Бу конференция республика Фанлар академияси, Госплани, Халқ хўжалиги кенгаши, Давлат илмий техника комитети, Коммунал хўжалик министрлиги ва Ўзбекистон илмий-техника жамиятлари кенгаши томонидан ўтказилади.

— Конференция 7-10 июнь кунларида ўтказилади, лекин илмий жамоатчиликни, мутахассис ишчи ва хизматчиларни ана шу конференциянинг программаси билан ҳозирнинг ўзидаёқ таништириб қўйишни истар эдик, — деди Ўзбекистон ССР Фанлар академияси техника фанлари бўлимининг секретари академик Н. В. Лавров ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда.— Биз шу нарсага аминмизки, ана шундай йўл билан бир қанча проблемаларни муҳокама қилишга мутахассисларнинг кенгроқ доирларини жалб этишга, халқ хўжалигининг энг хилма-хил участкаларида газдан фойдаланишдан манфаатдор бўлган кишилардан фойдали маслаҳатлар, таклифлар олишга, уларнинг мулоҳазаларини тинглашга муваффақ бўламиз.

Ҳозиргинг ўзидаёқ 500 таклиф юборилди. Таклиф қилинганлар орасида Москва, Ленинград, Украина, Урал, Қозоғистон, Ўрта Осиё республикаларининг лойиҳалаштириш ишлари билан шуғулланувчи олимлари, ишлаб чиқарувчилари бор. Шундай қилиб, кун тартибида Ўзбекистонни газлаштириш проблемаси турган бўлса ҳам конференция республика ташқарисида ҳам аҳамият касб этади. Кўпгина докладлар бутун мамлакат газ саноати учун қизиқарлидир.

Дастлабки ялпи мажлисда СССР Главгазининг СССР газ саноатини ривожлантириш истиқболлари ҳақидаги доклади, СССР Министрлар Совети Давлат кимё комитетининг табиий газни кимёвий усулда қайта ишлаш йўллари ҳақидаги доклади, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нефть ва газ конлари геологияси ва уларни ишга солиш институтининг Ўзбекистонда газ манбаларини қидириб топиш истиқболлари ҳақидаги доклади тингланади. Кейинги докладга алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Республикамиз «зангори ёнилғи» запасларни жиҳатидан ҳозирнинг ўзидаёқ мамлакатда асосий ўринлардан бирини эгаллаб турибди, мавжуд маълумотларга қараганда, қидириб топилган газ запаслари яна ўса беради. Бинобарин, Умуминтифоқ ёнилғи балансида Ўзбекистоннинг аҳамияти орта боради. Конференцияда Ўзбекистонни газ билан таъминлашнинг асосий схемасини муҳокама қилиш билан бир қаторда Ўрта Осиё республикалари, Қозоғистон, Урални газлаштириш истиқболларини ўрганиш проблемаси ҳам киритилганлиги сабаб эмас. Мамлакатда энг бой Газли конидан бошланган газ магистраллари Уралга ҳам йўл олмоқда.

Секциялар ишларининг программаси газни қидиришдан тортиб, ундан фойдаланишгача бўлган кўпгина масалаларни ўз ичига олади. Шу билан бирга ҳар бир проблема практика илгари сураётган конкрет талаблар асосида, мамлакатимизда ва чет элларда орттирилган тажрибалар, шунингдек илм-фан очиб бераётган янги имкониятлар ҳисобга олингани ҳолда хилма-хил нуқтаи назарда туриб кўриб чиқилади. Масалан, газ транспорти ва уни сақлаш секциясининг мажлисларида Жарқоқ—Тошкент газ қувури қурувчилари ҳамда Главгаз Ленинград бошқармаси магистрал газ қувурлари эксплуатациячилари томонидан орттирилган тажрибаларни ўрганишга, янги газ қувурларини лойиҳалаштириш, автоматлаштиришга ва телемеханизациялаштиришга масалаларини муҳокама этишга қарор қилинди.

Программада ўнларча докладлар бор. Конференция ишида қатнашмоқ учун неча ўнлаб олимлар ва ишлаб чиқарувчилар жалб этилганлар. Лекин биз газгеологияси, уни чиқариш, ташиш, қайта ишлаш, уй-рўзғор ишларида фойдаланиш соҳасида ишлаётган ўртоқларнинг ўз ишлари ҳақида қиладиган ахборотларини, хабарларини, уларнинг алоҳида мулоҳазаларини тинглашни истар эдик. Бу эса «зангори ёнилғи» хазинасидан фойдаланиш соҳасида тағин ҳам каттароқ муваффақиятларни қўлга киритиш имконини беради.

ЙЎҚОЛСИН ҲУРОФОТ!

СЕКРЕТАРЬ ТУШ КЎРГАЧ...

13-маҳалла комитетининг секретари Бурхон Ғафуров одатда кўрган тушини сувга айтиб, хотиржамланарди. Лекин бу сафар ундай қилмади. Тўғри ҳаллослаганича қандуруғи Ҳожибобо қизурига борди ва фожиали туши тафсилотини унга ҳикоя қилиб берди. Қандфурушнинг кайфи учиб кетди. Улар дарҳол «худойи» қилишимиз керак, деган қарорга келишди.

Туш баҳона бўлди-ю, икки ҳамтовоқ худойи ва унинг кетидан кетадиган коллектив тарқалиб кетмасидан станцияниг иккинчи навбати қурилишини бошлаб юборишимиз керак. Биринчи навбатда бош корпус биноси ва градирня иншоотини лойиҳалари тақдим этилса, яхши бўлур эди.

«Теплоэлектропроект» институтининг Ўрта Осиё бўлими раҳбарлари иккинчи навбат қурилишининг асосий лойиҳа-смета ҳужжатларини шу йил 28 июлга етказиб беришмоқчи. Бу муддат жуда кеч. Қурувчи ва монтажчилар асосий лойиҳа ҳужжатлари июнь ойида етказиб берилишини талаб қилмоқда.

А. ЧЕРЕМИН,
Тахиатош ГРЭСи қурилиш бошқармасининг бошлиғи.

А. АБДУҚОДИРОВ,
«Қизил Ўзбекистон» махсус мухбири.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА

⊙ **Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтида сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамият аъзолари — ўқитувчи ва студент лекторлар сони кўпаймоқда.**

Институт ўқитувчиси, доцент К. Ҳасанов «В. И. Ленин ғояларининг тантанаси ҳақида», доцент Р. Назарова «В. И. Ленин коммунистик ахлоқ тўғрисида», студент Ж. Тўраев «Ешларни тарбиялашда илмий атеизмнинг роли» деган темада лекциялар ўқидилар.

О. ҒАНИЕВ.

⊙ **Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти студентлари кенг кўламда илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.** Саноат ва граждан қурилиши факультетининг II курс студенти П. Л. Распопининг доцент А. И. Павлов раҳбарлигида «Маҳаллий материаллар базасида силикат деворбоп блоклар тайёрлаш» деган темадаги илмий иши яхши амалий натижа берди. Шу асосда тайёрланган блоклардан «Ташсельмаш» заводи коллективи хўжалик, уй-жой бинолари қуришда кенг фойдаланди.

Студентлардан Е. Г. Губашев, О. С. Цулимова, Е. Н. Кравченко, Н. Г. Низомовлар ассистент Л. Д. Терентьева раҳбарлигида «Қурилишда полимер материалларининг қўлланилиши» деган темада илмий иш ёздилар.

Институт студентларининг илмий конференциясида 95 илмий доклад ва ихтироларнинг натижалари тингланди. Шулардан 60 дан ортиғи шаҳар студентларининг илмий ишлари кўригига тавсия қилинди.

М. СУЯТОНОВ.

Фарғона азот заводини қурайётган азаматлар партиямизнинг XXII съезди очиладиган кунгача завод биринчи навбатини қуриб битказишга аҳд қилдилар. Ҳамма ишлар графикдагидан кўра тез суръатлар билан боряпти. Суратда: Юқори вольтли электр линиялари ўтказиш пайти.

Г. Бойко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).



Жадаллаштириш йўли билан

ПАХТАКОР, (Самарқанд области). Область колхозларининг механизаторлари биринчи ғўза парваришини муваффақиятли ўтказмоқдалар. Дастлабки даврда ғўза парваришини ўз вақтида ўтказиш учун хўжаликка тўқсондан ортиқ культиватор етишмаётганлиги маълум бўлди. Бунинг иложини кўриш керак эди. Механизаторлар бунинг йўлини топдилар. Ленин номли колхоз механизатори Шукрулла Малаховов ва Охунбоев номли колхоз трактарчиси Рамазон Эргашев украин механизаторларининг тажрибасини қўлланишга қарор қилдилар ва жадал тезлик билан ишлай бошладилар. Улар нормани қарийб уч баравар оширадиган бўлдилар.

Ҳозир областда юзга яқин механизатор Малаховов ва Эргашевларнинг методи асосида ишламоқда. Тракторларнинг иш унуми қарийб қирқ процент ошди. (ЎзТАГ).

Қолоқ хўжалик бўлмайди

СТАЛИНСК, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). «Қизил юлдуз» колхозининг аъзолари, партия ва комсомол ташкилотлари КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини ва Н. С. Хрушчевнинг иқтисодий жиҳатдан қолоқ колхозларни илғорлар даражасига кўтариш тўғрисидаги маслаҳатига жавобан Киров номли колхозни оталикка олдилар. Улар чигитни текис ундириб олишда ёрдам бериш учун Киров номли колхозга моҳир сувчилардан 7 кишини жўнатдилар. Қўшни колхознинг 100 гектар ердаги ғўзани биринчи комплекс парваришдан чиқариб бердилар. Партов ерларни ўзлаштириш учун камқувват колхозга бир ҳайдов трактори ажратдилар.

Киров номли колхоз район марказидан анча узоқда жойлашган. Шуни ҳисобга олиб «Қизил юлдуз» колхозининг шоферлари ўз қўшниларининг юкларини ташишга ёрдамлашиб турибдилар.

Оталик конкретроқ бўлсин учун ҳар икки колхоз бригадалари ўртасида социалистик мусобақа ташкил этилди, «Қизил юлдуз» колхозининг илғор бригадалари Киров номли хўжаликнинг қолоқ бригадаларини оталикка олди.

Ғўза парвариши даврида «Қизил юлдуз» колхозининг агрономи Одилов, бош механик Охунов ўртоқлар вақти-вақти билан Киров номли колхоза бориб турадилар. Моҳир сувчилар — Комил Ҳожиматов, Турғун Узоқов, Маҳкам Ҳабибов, Ҳаким Аҳмедов, Абдулла Охуновлар ғўзани суғоришда оталикдаги колхозга амалий ёрдам бермоқдалар.

Йиғим-терим даврида энг яхши механик-ҳайдовчиси билан бир пахта териш машинаси қўшни колхозга юборилади. Социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши қандай ташкил этилганлигини аниқлаб туриш учун йил давомида 3 марта ўзаро текшириш ўтказилади.

Сталин район партия комитети «Қизил юлдуз» колхозининг Киров номли қишлоқ хўжалик артелига оталик ёрдами кўрсатиш ташаббусини маъқуллади. Бу ташаббус барча колхоз партия ташкилотларида ишлаб чиқилмоқда ва иқтисодий жиҳатдан қолоқ колхозлар, бригадаларни илғорлар даражасига кўтариш учун амалий тадбирлар белгиланмоқда.

Н. ҲАКИМОВ.

Қарши районидаги Сталин номли колхозининг икки минг гектар ерида квадрат шаклида жойлаштирилган ғўзалар барқ уриб ўсмоқда. Бу ерда ҳозир ғўза иккинчи марта комплекс парвариш қилинмоқда. Суратда: колхознинг бош агрономи Карим ХОЛҒОЗИЕВ тракторчи ўртоқ Х. Рўзиевнинг ишини кузатмоқда.

А. Ким фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ТАБИАТ ИНЖИҚЛИКЛАРИНИ ЕНГИБ

МАНҒИТ, (Қорақалпоғистон АССР). **Полвон ота Авениёзов 30 йилдан бери пахта етиштириб келади. Чигитни вақтида экиш, қатор ораларини ўз муддатида ишлаш, суғориш, ўғитлашдан бошқа ҳеч қандай янгилик ўйлаб чиқариш мумкин эмасдек туйиларди.**

—Лекин, йиллар бир-бирига ўхшамайди, — дейди Полвон ота, —Баъзан кузда бир неча кунлаб ёмғир ёғади. Бундай пайтларда уйда ўтириш мумкин эмас, ёмғир сувидан ернинг шўрини ювиш учун фойдаланиш керак. Мен ҳам, бошқа «оқ олтин» усталари ҳам шундай қиламиз. Аммо, масалан, бу йилгидек қурғоқчилик йилида бошқа агротехникани қўлланиш керак. Бизнинг районимизда ва Қорақалпогистоннинг бошқа районларида ерлар жанубий районлардагига қараганда кечроқ етилади. Демак, кўшлик кунлар ҳам озроқ бўлади. Чигитни текис ундириб олиш ва ғўзаларнинг мустаҳкамланиб олишига имкон бериш учун мен далага ғўнг чиқараман. Ғўнг чириб, қўшимча иссиқлик манбаини вужудга келтиради. Бунда шамол ҳам ёрдам беради. Шамол ғўнгнинг моғорлаб кетишига имкон бермайди.

Полвон ота табиатнинг инжиқликларини енгиш учун бошқа агрономия усулларини ҳам қўлланади. Каналларда сув кам бўлганда у экиларни коллекторлар суви билан суғоришни ҳам билади.

((ЎзТАГ).

МЕҲНАТ КИШИНИ УЛУҒЛАЙДИ

Я Й Л О В Д А

Бу йил йилловларда ўт сероб. Қўй-қўзилар тўйиб-тўйиб ўтлаётир. Яшил либос кийган қир-адирларга бир боқинг-а, нақадар кўркам, нақадар оромбахш.

Колхоз раиси Ҳамроқул ака билан машинада бир учи уфқ билан туташ йилов бўйлаб Қодир Кенжаевнинг отари томон йўл олдик.

Қодир Кенжаев...

Кенжа отанинг сочи қўй боқиб оқарган. Отахон кексайганида чўл билан хайрлашар экан, ўрнини бўш қолдирмади. Қодир 10-синфни битиргач, отасининг қўлтиғига кирди. Отахон ўттиз йиллик қадрдон таёғини ўғлига топширди.

— Чўпонлик қийин касб. Аммо, қийин деб чўчима. Мард бўл. Шунда чўлдан ўз ўрнингни оласан. Ўғлим.., — деди у.

Ойлар, йиллар саналди. Қодир отасининг, элнинг ишончини оқлади. Чўлнинг қийинчиликларини мардонавор енгди. Қишнинг бўронли тунларига ҳам, ёзнинг жазирама иссиғига ҳам бардош берди. Унинг самарали меҳнати зое кетмади. Эндиликда Қодирнинг номини ҳамқишлоқлари ҳурмат билан тилга оладиган бўлиб қолдилар. У Ленин партияси сафига қабул қилинди. Қодир Кенжаев райони Советининг депутати ҳамдир.

— Бу йил қўйларимиз барвақт қўзилади. Отаримдаги 530 совлиқнинг 115 таси эгиз қўзи берди. Учтадан қўзилаган совлиқлар ҳам бўлди... — деб лўндагина сўзлаб берди у.

Қодир ўзи ҳақида кўп гапирмади.

— Ўтган йили ҳам, — деди раис, — совлиқлардан қўзи олишда колхозда биринчиликни эгаллаган эди. Бу йил ҳам худди шундай бўлди. Давлатга қорақўл топшириш планини 147 процентга еткизиб адо этди. Насл учун қўзи қолдириш топшириғини ҳам қойилмақатдим. Қодир топширган қорақўл тери фақат юқори сортларга қабул қилинди.

Қодир билан суҳбатимиз давом этарди. Шу пайт узоқ-узоқлардан юракни қитиқловчи ёқимли куй таралди:

Москва пойтахтим менинг,
Кулгандир бахтим менинг,
Юрт учун хизмат қилиш
Ҳар вақт аҳдим менинг...

Бу Қодирнинг мусобақадоши Қўчқор отанинг юрак сўзлари эди. Биз етиб келганда, Қўчқор ота дўмбирани завқ-шавқ билан чертарди. Дўмбира гўё чўпоннинг қалбини очиб ташлаётгандай жўшқин садо берарди.

Куй тугади. Отахон бармоқларини соқолини тараб, узоқ-узоқларга кўз ташлади.

— Ёшлигим зулматда ўтди, — дейди ота. — Мана, бунақанги кунлар ҳам келар экан, меҳнаткашнинг бошига бахт қуши қўнган замон бу. Оила аъзоларимнинг кўписи чўпон. Катта ўғлим Номоз беш йилдан буён ёнимда. Куёвим Парда Обилов ҳам ўзим билан бирга. Дастурхонимиз тўкин-сочин. Хаммаси — озод, ҳалол меҳнат туфайли. Ўтган йили пландан ташқари кўплаб қўзи олдим. Жун қирқиш планини ҳам ошиғи билан [illegible] этдим. Совлиқларнинг ҳаммаси ни қишдан соғлом олиб чиқдим. Колхоз правлениеси 48 бош қўзи билан мукофотлади.

Кекса чўпон завқ-шавқ билан сўзлар, фаровон турмуш, бахтиёр ҳаёт учун жонажон партия ва ҳукуматимизга миннатдорчилик билдирар, халқ ва Ватан хизмати учун бундан буён ҳам самарали меҳнат қилишга тайёр эканлигини изҳор этарди.

У билан хайрлашдик. Кўп ўтмай йиловнинг қоқ ўртасида оппоқ бино кўзга ташланди. Бу кушхона экан. Бу ерда иш қизғин. Худойберди Ҳомидов, Ражаб Шаропов, Эшпўлат Исмоилов ва Райим Маллаевларнинг қўли-қўлига тегмайди. Улар қорақўл тери тайёрлаш билан банд. Зоотехник Рашид ака қорақўл терига пардоз бериш, уни тузлаш ва қуритиш ишларининг сифатини текширмоқда. Бу ерда ҳар куни камида 120-130 тери тайёрланади.

Энгельс номли колхоз давлатга қорақўл топшириш планини бажаришда Сурхондарё областида олдинги ўринларнинг бирини эгаллади. Давлатга қарийб 3.5 минг дона қорақўл тери топширилди. Бу пландагидан бир неча юз дона кўп демакдир. Топширилган қорақўлнинг 90 процента юқори сортларга қабул қилинди. Бу муваффақиятларга эришишда Ҳомид Эшонқулов, Ҳаққул Холов, Салим Нормуродов, Жўра Қаландаров сингари чўпонлар ҳам муносиб ҳисса қўша олдилар.

Колхоз чорвачилик соҳасида областдаги энг йирик хўжаликлардан бири ҳисобланади. Ҳозир бу ерда 20 мингдан кўпроқ қўй бор. Бу рақамлар етти йилликнинг охирига бориб янада кўпаяди. Давлатга ҳар қачонгидан ҳам кўп тери топширилади. 1965 йилнинг охирига бориб, колхоз чорвадорлари она-Ватанга бир неча минг дона қорақўл тери соғадилар.

Б. ЭРҚОРОВ.

Қарши райони.

ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА КУЧАЙТИРАЙЛИК

(МУХБИРЛАР ХАТИГА ОБЗОР)

<>

Мўл ҳосил учун курашни авж олдирган илғор пахтакорлар механизмлардан ва ишчи кучларидан унумли фойдаланиб, ғўзанинг ривожланишини тезлатиб, баракали ҳосилга замин яратмоқдалар.

— Сталин районидаги йирик пахтакор хўжаликлардан бири бўлган Ленин номли колхозининг аъзолари 2055 гектар майдонининг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил етиштириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар, — деб ёзади андижонлик Саъдулла **Абдурасулев**, — колхознинг Ҳакимжон Турдиев, Одилжон Юсупов, Абдужамил Ҳакимовлар бошлиқ юқори ҳосилли бригадаларида ғўзанинг иккинчи парвариши қизғин бормоқда. У. Мўминов, Қ. Раҳматов, Ҳ. Мўминовлар каби механизаторлар ҳозиргача 500-600 гектардан ғўзани икки томонлама культивация қилдилар. Улар культивацияни озиқлантириш билан бирга ўтказаётирлар.

Тўла гектарлар учун кураш, ҳар гектар ерда ғўза тупларининг белгиланган миқдорда бўлишини таъминлаш мўл ҳосил етиштиришнинг асосий омилларидан биридир. Олтинкўл районидан ўртоқ Даминжон **Қосимовнинг** юборган хатида Куйбишев номли, Ленин номли колхозларда ҳар гектар ерда 92-94 минг туп кўчат бўлишига эришилгани, яганалаш сифатли ўтказилганлиги, ғўза яхши ривожланиб ўсаётганлиги ҳикоя қилинади. Бу колхозларнинг Н. Қодиров, Ҳ. Мадаминова, А. Жабборов ва коммунист Еқубжон Юсуповлар бошлиқ бригадаларида ғўзанинг иккинчи комплекс парвариши тугалланай деб қолди. Механизатор Абдували Сайдалиев ва Абдуллажон Юсуповлар кунига 9-10 гектардан ерлаги ғўза қатор ораларини культивация қилмоқдалар. О. Абдуллаев, Ғ. Тўлаев, Ҳ. Абдуллаев каби гажрибакор сувчилар ҳар куни 2-2.5 гектар майдондаги ғўзани қондириб суғормоқдалар.

Марҳамат районидан ўртоқ Ғуломжон **Абдумаҳмудовнинг** ёзишича, «Қизил Ўзбекистон» колхозининг механизаторлари универсаллардан унумли фойдаланиб, культивация ва ўғитлаш юзасидан берилган кунлик топшириқларни ғўлага ва ошириб бажармоқдалар. 37 «универсал» тўхтовсиз ишлаб турибди. Универсалчилардан Қурбонали Азимов, Маъмуржон Ҳакимов, Жуманбой Усмонов ва Комил Мадазимовлар ҳар куни 9-10 гектардан ғўзани сифатли культивация қилиб, бир йўла озиқлантирмоқдалар.

Ш. Қурбонов, У. Неъматов ўртоқлар ўз хабарида бундай дейди: Фарғона область. Поп районидаги Ленин номли колхознинг Ғафуржон Каримов бошлиқ бригадаси ҳосилни ғўзага ташлаётгандай жўшқин садо берарди.

Куй тугади. Отахон бармоқларини соқолини тараб, узоқ-узоқларга кўз ташлади.

— Ёшлигим зулматда ўтди, — дейди ота. — Мана, бунақанги кунлар ҳам келар экан, меҳнаткашнинг бошига бахт қуши қўнган замон бу. Оила аъзоларимнинг кўписи чўпон. Катта ўғлим Номоз беш йилдан буён ёнимда. Куёвим Парда Обилов ҳам ўзим билан бирга. Дастурхонимиз тўкин-сочин. Хаммаси — озод, ҳалол меҳнат туфайли. Ўтган йили пландан ташқари кўплаб қўзи олдим. Жун қирқиш планини ҳам ошиғи билан [illegible] этдим. Совлиқларнинг ҳаммаси ни қишдан соғлом олиб чиқдим. Колхоз правлениеси 48 бош қўзи билан мукофотлади.

Кекса чўпон завқ-шавқ билан сўзлар, фаровон турмуш, бахтиёр ҳаёт учун жонажон партия ва ҳукуматимизга миннатдорчилик билдирар, халқ ва Ватан хизмати учун бундан буён ҳам самарали меҳнат қилишга тайёр эканлигини изҳор этарди.

У билан хайрлашдик. Кўп ўтмай йиловнинг қоқ ўртасида оппоқ бино кўзга ташланди. Бу кушхона экан. Бу ерда иш қизғин. Худойберди Ҳомидов, Ражаб Шаропов, Эшпўлат Исмоилов ва Райим Маллаевларнинг қўли-қўлига тегмайди. Улар қорақўл тери тайёрлаш билан банд. Зоотехник Рашид ака қорақўл терига пардоз бериш, уни тузлаш ва қуритиш ишларининг сифатини текширмоқда. Бу ерда ҳар куни камида 120-130 тери тайёрланади.

Энгельс номли колхоз давлатга қорақўл топшириш планини бажаришда Сурхондарё областида олдинги ўринларнинг бирини эгаллади. Давлатга қарийб 3.5 минг дона қорақўл тери топширилди. Бу пландагидан бир неча юз дона кўп демакдир. Топширилган қорақўлнинг 90 процента юқори сортларга қабул қилинди. Бу муваффақиятларга эришишда Ҳомид Эшонқулов, Ҳаққул Холов, Салим Нормуродов, Жўра Қаландаров сингари чўпонлар ҳам муносиб ҳисса қўша олдилар.

Колхоз чорвачилик соҳасида областдаги энг йирик хўжаликлардан бири ҳисобланади. Ҳозир бу ерда 20 мингдан кўпроқ қўй бор. Бу рақамлар етти йилликнинг охирига бориб янада кўпаяди. Давлатга ҳар қачонгидан ҳам кўп тери топширилади. 1965 йилнинг охирига бориб, колхоз чорвадорлари она-Ватанга бир неча минг дона қорақўл тери соғадилар.

Б. ЭРҚОРОВ.

Қарши райони.

ЭРТАГИ САБЗАВОТЛАР

ҚЎҚОН. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Райондаги Муқимий номли колхоз аъзолари бу йил 7177 тонна сабзавот, 350 тонна полиз маҳсулотлари етиштириш учун курашмоқдалар. Деҳқончилик ишларининг деярли ҳаммаси механизациялаштирилган. Ўртоқ Ўринбой Иброҳимов бошлиқ бригаданинг 8 гектар майдондаги карами пишди ва колхоз бозорига чиқарилди. Бригада ҳар гектардан 225 центнердан ҳосил олишни мўлжалламоқда. Бугун-эртага бодринг ҳам пишади. Бригаданинг кўпгина майдонларидаги помидор текис мевага кирди.

Исомиддин Камолиддинов ва Аҳмад Йўлчиев ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳам эртаги сабзаволларни бозорга чиқариб, меҳнаткашларга арзон баҳода сотмоқдалар.

Фарғона меваси— Узоқ Шарққа

ФАРҒОНА, (ЎзТАГ). Ўзбекистонда янги мевани қайта ишлаш ўтган йилдагига нисбатан икки ҳафта илгари бошланди. Фарғона консерва заводи қулупнай мураббосининг дастлабки қисмини Сибирь ва Узоқ Шарқ саноат марказларига жўнатди.

Бу йилги мавсумда Фарғона консервачилари маҳсулот хилларини анча кўпайтирадилар. Ҳом ёнғоқдан мураббо тайёрлаш биринчи марта ўзлаштирилади. Савдо ходимларининг маҳсус заказига мувофиқ, «С» витамини кўп бўлган «Фарғона салати» консервалари ишлаб чиқарини ўзлаштирилмоқда.

Қувада завод йўлдоши — механизациялаштирилган цехни ишга туширишга тайёргарлик кўрилаётир. Бу цех йилига саккиз юз йигирма минг банка мураббо ва компотлар, юзлаб декалитр анор суви ишлаб чиқаради.

ЯНА КУЗБЎЯМАЧИЛИК

Ҳазорасп районида жамоат чорвачилиги жуда суст ривожланмоқда. Чорвачилик хўжаликларининг энг қолоқ тармоғи бўлиб қолаётир. Бунинг асосий сабаблари моллар туёғини кўпайтириш, илғор усулларини ишлаб чиқаришга жорий этиш масалаларига етарли эътибор берилмаётганлигидир. Шу билан бирга районда ем-хашак тайёрлаш, айниқса беда етиштиришга масъулиятсизлик билан қараш ҳам чорвачиликнинг ривожига тўғоноқ бўлмоқда.

Район колхозларида бедачилик ўз ҳолига ташлаб қўйилган деса бўлади. Ўтган йили колхозларнинг раҳбарлари беда майдонларини нотўғри кўрсатиб, кўзбўямачилик қилдилар. Масалан, район бўйича 1961 йил 1 январга қадар 1187 гектар беда майдони бор деб маълумот берилган. Ҳақиқатда эса бедапоялар 508 гектардир.

Карл Маркс номли колхозда (правление раиси ўртоқ Юсупов) бир неча йиллардан буён беда майдони кенгаймайди. Аксинча, бедапоялар бузилиб, ўрнига бошқа экинлар экилмоқда. Лекин ўша маълумотдаги бедапоялар майдони ҳамон ўзгарган эмас. Колхоз ўтган йили 116 гектар ерга беда экиши лозим эди. Амалда бир гектар ерга ҳам уруғ сепилмади. Бу йил ҳам 91 гектар ерга беда экиш планлаштирилган. Бу ҳам қоғозда қолиб кетмоқда.

Райондаги йирик чорвадор хўжаликлардан бири ҳисобланган «Коммунизм» колхозида 115 гектар ердаги беданинг 92 гектари бузиб ташланди. Бор-йўғи 23 гектар беда қолди. «Октябрь» колхозида 69 гектар ўрнига 19 гектар, «Ленин йўли» колхозида 86 гектар ўрнига 13 гектар бедапоя бор. «Ленинизм». Ленин номли ва бошқа колхозларда ҳам аҳвол худди шундай.

Район хўжаликларида бедачиликда бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш ҳамда алмашлаб экишни амалга ошириш пайти келди.

Д. ХУЖАЕВ,

«Қизил Ўзбекистон»нинг штатсиз мухбири.

ХАЛҚ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

МЕДИЦИНА ХОДИМЛАРИНИНГ ШАРАФЛИ БУРЧИ

Кейинги йилларда республикамизда медицинани ривожлантириш ҳамда шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари соғлигини сақлаш борасида катта ютуқлар қўлга киритилди. 1953-1960 йиллар мобайнида республикамиз қишлоқларида даволаш муассасаларининг сони 383 дан 749 га, улардаги ўринлар сони эса уч баравар кўпайди. Область касалхоналари ва ихтисослаштирилган диспансерларда ўринлар сони деярли икки баравар ортди.

Шундай қилиб,шу йил бошига келиб республикамиз қишлоқларидаги касалхоналарда ўринлар 43.275 тага етказилди, қишлоқларимизда фельдшер-акушерлик пунктлари икки баравар, колхоз туғруқхоналари уч баравар, улардаги ўринлар уч ярим баравар ошди. Бу давр ичида дорихоналар, рентген аппаратлари, клиника — диагностика лабораториялари ҳам анча кўпайди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида эришилган бу муваффақиятлар билан бир қаторда меҳнаткашларга, айниқса қишлоқ аҳолисига медицина хизмати кўрсатиш даражаси ҳали шу кунининг юксак талабларига тўла жавоб бера олмайди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «СССР–аҳолисига медицина хизмати кўрсатишни ва унинг соғлигини сақлашни янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарорида медицина ходимлари олдига меҳнаткашларга ва айниқса қишлоқ аҳолисига медицина хизматини яхшилаш, медицина муассасалари базасини кенгайтириш, даволаш сифатини яхшилаш каби конкрет вазифалар қўйилди.

Республикамиз медицина ходимлари бу вазифаларни бажара бориб, кўпгина ютуқларни қўлга киритдилар. Бизда безгак ва бошқа касалликлар бутунлай йўқотилди, дифтерия, полиомиелит, трахома каби касалликлар ҳам тамоман тугатилмоқда. Сил касалликлари ва бошқа касалликларни бутунлай енгиш учун курашилмоқда. Касалхоналарда беморларга диагноз қўйиш ва даволашда мукаммал приборлардан кенг фойдаланилаяпти. Касалхоналар зарур дорихона-дармонлар билан яхшироқ таъминланмоқда.

Лекин, касалхоналарда беморларни даволашда айрим нуқсонлар бор. Баъзи касалхоналарнинг санитария ҳолати талабга жавоб бермайди. Айримларда диагноз қўйиш ва даволаш ишлари ёмон ташкил қилинган.

Шуни ҳам айтиш керакки, партия, совет ташкилотлари ва кенг жамоатчиликнинг ёрдами билан касалхоналар учун янги бинолар қуриш ва маъмурий биноларни бўшатиб бериш соҳасида қизғин иш олиб борилди. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш муассасаларига беш юздан ортиқ йирик маъмурий бино бўшатиб берилди. Бу эса касалхоналарда ўринлар сонини планда белгилаганидан тўрт баравар ошириш имкониятини берди.

Шундай қилиб, ҳозир қишлоқ ва район касалхоналарида ўринлар республика аҳолисининг ҳар ўн минг аҳоли бошига ҳисоблаганда ўрта ҳисобда 1959 йилдаги 63,1 киши ўринга 84,2 кишига тўғри, бу жиҳатдан республикамиз Иттифоқда учинчи ўринни эгаллади.

Республика соғлиқни сақлаш ходимлари касалхоналардаги ўринларни кўпайтиришда сидқидилдин билан, жон куйдириб иш олиб бордилар. Шу билан бирга Тошкент, Бухоро ва Андижон областларидаги айрим даволаш профилактика муассасаларининг раҳбарлари бу муҳим ҳаётий ишга масъулиятсизлик билан қарадилар ва ўринларни кўпайтиришни янги касалхона бинолари ёки бўшатиб берилган маъмурий бинолар ҳисобига эмас, балки мавжуд даволаш муассасаларидаги ўринларни зичлаштириш ҳисобига бажардилар. Улар бу хатти-ҳаракатлари билан халқни, давлатни алдаб, кўзбўямачилик қилдилар. Халқ соғлиғининг бундай «жонкуярлари» қатгиқ жазоланди.

Даволаш муассасалари тармоқларининг анча кенгайганлигига қарамай, касалхоналардаги ўринлар ҳозир ҳам етарли эмас. Бу соҳада биз ички имкониятларимиздан тўла фойдаланишимиз керак. Бутлар—ҳар қандай касалликлар ва айниқса юқумли касалликларнинг олдини олишга доир ишларни янада кучайтириш, даволаш сифатини яхшилаш ва ниҳоят янги касалхона бинолари қуриш, мавжуд касалхоналар ремонти муддатини қисқартиришдан иборат. Амбулатория тартибида даволашни ва врачларнинг беморнинг уйига бориб медицина ёрдами кўрсатишини янада яхшилаш зарур.

Маълумки, тез медицина ёрдами медицина хизмати кўрсатишда энг муҳим соҳадир. Тез ёрдам кўп ҳолларда киши ҳаёти хавф остида қолган энг оғир дақиқаларда жуда зарур. Соғлиқни сақлаш министрлиги аҳолига тез медицина ёрдами кўрсатишни янада яхшилаш учун зарур тадбирларни белгилаб чиқди. Йирик шаҳарларда тез ёрдам станциялардан ташқари ҳар бир поликлиника қошида мустақил тез ёрдам кўрсатиш пунктлари ташкил қилинди. Ҳозир Тошкентдаги поликлиникалар қошида қирқта тез медицина ёрдами пункти ишлаб турибди. Бу пунктларга махсус тез ёрдам машиналари ва малакали врачлар бириктирилди, керакли дори-дармонлар билан таъминланди. Натижада аҳолига тез медицина ёрдами кўрсатиш анча яхшиланди.

Оналар ва болаларнинг соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилиш республика медицина ходимларининг диққат марказида турибди. Республикамизда ва айниқса қишлоқ жойларида оналар ва болаларнинг соғлигини муҳофаза қилувчи медицина муассасаларининг ғармоқлари — хотинлар ва болалар консультациялари, туғруқхоналар, фельдшер-акушер пунктлари, боғча ва ясслар сони кўпаймоқда. Буларнинг ҳаммаси бизнинг келажагимиз бўлган болаларнинг бақувват, соғлом бўлиб ўсишлари учун хизмат қилади.

Лекин болалар соғлиғини сақлашда амалга оширилаётган ишлар етарли эмас. Қишлоқ жойларида болалар врачлари етишмайди. Баъзан болалар орасида айрим юқумли касалликларнинг тарқалишига йўл қўйилмоқда. Бунга хотима беришимиз зарур.

Қишлоқ аҳолисига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш учун олдимизда муҳим вазифалар турибди. Район касалхоналарини йириклаштириш, уларни қишлоқ аҳолисига ҳар томонлама, юқори малакали медицина ёрдами кўрсатувчи даволаш марказига айлантириш лозим. Бизда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси соғлигини сақлаш соҳасида кескин чегара қўйиш мумкин эмас, албатта. Бундаги мавжуд фарқ—қишлоқ хўжалик меҳнатининг ўзига хос хусусияти ва аҳолининг жойланишига боғлиқ, холос. Шу сабабли районлараро диспансерлаштирилган медицина муассасалари қуриш ва маълум тармоқлар бўйича ихтисослаштирилган область ва республика касалхоналарини янада кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқларда кўпгина колхоз ва совхозларнинг йириклаштирилиши, колхозлараро заводлар, қурилиш ташкилотлари ва турли ишлаб чиқариш муассасаларининг ташкил топаётганлиги, қишлоқ хўжалигида механизациянинг тобора кенгроқ ўрин эгаллаётганлиги қишлоқларимизнинг қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Эндиликда қишлоқлардаги медицина муассасаларининг роли янада ошди, қишлоқ медицина ходимлари санитария назоратини кучайтиришлари, ишлаб чиқариш меҳнати гигиенасига доир масалалар билан кўпроқ шуғулланишлари, профилактика ва даволашга доир комплекс тадбирларни ўз вақтида амалга оширишлари лозим.

Қишлоқ жойлардаги соғлиқни сақлаш органлари ва даволаш муассасаларининг раҳбарлари колхоз правленияларини янги типовой касалхона бинолари қуришга кенг жалб этишлари керак. Шунга эришиш керакки, ҳар бир қишлоқдаги касалхонада камида 35 ўрин бўлсин.

Аҳоли соғлигини сақлаш ва кишилар умрини узайтиришда яшаш шароитларини соғломлаштириш, шаҳар, қишлоқ ва бошқа аҳоли яшайдиган пунктларнинг санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш ҳам муҳим роль ўйнайди. Республикамизда шаҳар ва қишлоқлар, аҳоли яшайдиган пунктлар тобора ободонлашмоқда.

Лекин айрим шаҳарлар, ишчилар посёлкаси ва қишлоқларни сув билан таъминлаш, канализация, санитария-ободонлик ишлари ҳамон талабга жавоб бермайди. Баъзи жойларда саноат ва маиший хўжалик чиқиндилари билан сув ва ҳавонинг ифлосланишига йўл қўйилмоқда. Жойлардаги барча совет ташкилотлари, саноат корхоналари ва коммунал хўжалик органлари аҳоли яшайдиган пунктларнинг санитария-ободонлик ишларига етарли эътибор бермаётирлар.

Тошкент асфальт битум заводи (директори ўртоқ Қурбонов) шаҳарда аҳоли зич яшайдиган зонада жойлашган. Заводда газ ва чангларни тўсиб қоладиган махсус қурилманинг йўқлиги сабабли завод трубаларидан чиққан тутун ҳавони ифлослантирмоқда. Завод раҳбарлари эса махсус қурилмалар ўрнатиш масаласини ҳамон судраб келишяпти.

Халқ соғлиғини сақлаш ишининг муваффақияти—республикада медицина фанининг ривожланиши ва совет медицинаси эришган ютукларни амалий даволашда жорий қила билиш билан ҳам боғликдир. Республикамиздаги медик олимлар амалий соғлиқни сақлаш ишларининг муҳим проблемалари устида илмий-тадқиқотлар олиб боришяпти. Улар медицина фани эришган илғор ютуқлардан фойдаланиш, касалликларни йўқотиш ва даволаш ишига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Лекин, биздаги медицина институтлари ва илмий-текшириш институтларининг ҳаммаси ҳам яхши ишлашяпти деб бўлмайди. Республикамизда медицинанинг онкология, радиология, кўкрак хирургияси, нейрохирургия каби соҳалари суст ривожланмоқда. Баъзи медицина олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш институтларининг раҳбарлари юқори малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ишига совуққонлик билан қарамоқда. Масалан, ортопедия ва травматология илмий-текшириш институти (директори ўртоқ Шокиров)да ёш ва талантли илмий ходимлар ўн йиллар мобайнида самарали ишлаб келсаларда, бирор илмий даражага эга эмаслар. Медицина ва халқ соғлигини сақлаш ишларининг муваффақиятини юқори малакали, билимдон кадрлар ҳал қилишини унутмаслик лозим.

Кейинги йилларда республикамизда врачлар тайёрлаш анча кенгайди. Ҳозир республикамиздаги медицина олий ўқув юртларида 9.300 киши таълим олмоқда. Эндиги вазифа олий ўқув юртларида ўқиш, ўқитишни ҳаёт билан, даволаш тажрибаси билан яна ҳам чамбарчас боғлашдан иборат. Тошкент врачлар малакасини ошириш институтини янада кенгайтириш, Фарғона ва Нукус шаҳарларида институт филиалларини ташкил қилиш лозим. Бу эса жойлардаги, айниқса қишлоқларда ишлаётган врачларнинг малакасини ошириш, даволаш муассасаларини юқори билимли мутахассислар билан таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари партия, совет ташкилотлари ва жамоатчиликнинг бевосита ёрдамида ўз эммаларидаги бу муҳим вазифаларни шараф билан ўтайди, халқ соғлигини сақлаш ишларини янада яхшилайди.

Р. С. СОАТОВ,

Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри.

Ўзбекистон тажрибаси—чет эл медикларига

САНИТАРИЯ МАОРИФИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО СЕМИНАР

Санитария маорифига бағишланган халқаро кўчма семинар Тошкентда беш кун давом этди. Бу семинар Совет Иттифоқида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан биргаликда СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги томонидан ўтказилмоқда. Бунда Осиё, Африка, Европа ва Латин Америкасидаги ўн етти мамлакатнинг медицина ходимлари қатнашмоқдалар.

Чет эллик врачлар Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ҳамда санитария маорифи ишларининг ташкил қилиниши ҳақида лекциялар тингладилар. Улар саноат корхоналарини, колхозларни, турли муассасаларни бориб кўрдилар.

Семинар директори — Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг вакили Элен Мартикайненхоним ЎзТАГ мухбири С. Каландаров билан суҳбатда чет эллик врачлар Ўзбекистонда санитария маорифи тажрибасидан ўзларига кўпгина фойдали нарсаларни олганликларини айтди. Аҳолига медицина хизмати кўрсатиш ажойиб тарзда ташкил қилинганлиги, профилактика ва даволаш ишларининг бирбирларига органик равишда боғлаб олиб борилаётганлиги, — деди у, — бизни ниҳоятда қизиқтирди.

Элен Мартикайнен жумладан, «Ўзбекистонда безгак ва бошқа касалликларни тугатиш соҳасида эришилган натижалардан қойил» эканлигини айтди. Семинар директори шу нарсани маминуният билан қайд қилдики, санитария маорифи учун кадрлар тайёрлаш масаласи республика соғлиқни сақлаш органлари фаолиятининг «муҳим ва мажбурий қисми»ни ташкил этади.

Чет эллик медицина ходимлари 25 майда Ялтага жўнаб кетдилар. Семинар бу ерда ўз ишини давом эттиради. (ЎзТАГ).

ХАЛҚЛАР БУ УЧРАШУВНИ ТАБРИКЛАМОҚДА

РАНГУН. «Тинчликни қадрловчи кишиларнинг ҳаммаси икки буюк давлат бошлиқлари—Н. С. Хрушчев билан Ж. Кеннеди ўртасида бўладиган учрашувдан хурсанд бўлишлари керак»,—деб ёзади Бирмада чиқадиган «Мандаинг» газетаси ўзининг бош мақоласида.

Ҳозирги пайтда, деб ёзади «Нью Лайт оф Бирма» газетаси, дунёдаги вазият СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларга боғлиқ. Биз ҳар иккала раҳбар ана шу муносабатларни яхшилаш учун ҳамма куч-ғайратларини сарфлайдилар деб умид қиламиз.

«Трибюн» газетаси икки буюк давлат раҳбарлари бир-бирлари билан учрашиш ҳақида бир фикрга келган ҳозирги вақтда Эйзенхауэр ҳукумат бошида турганида рўй берган воқеалар энди бўлмайди, деб умид билдиради. Ўша вақтда «У-2» самолётининг учиши муносабати билан можаро юз берган эди.

МЕХИКО. Мексика матбуоти СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев билан АҚШ президенти Ж. Кеннеди ўртасида Венада бўладиган учрашувни катта мамнуният билан шарҳламоқда. Газеталар бу учрашув халқаро кескинликни юмшатиш ва тинч-тотув яшашни таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидловчи редакцион мақолалар босиб чиқармоқдалар. «Қудратли халқлар инсон фаровонлигини ошириш ва унинг бахт-саодати учун ўзларининг моддий, илмий ҳамда интеллектуал бойликларидан фойдаланиши лозим бўлган вақт келди»,—деб ёзади «Овасьонес» газетаси.

«Тинчликсевар мамлакатлар (ҳамма мамлакатлар ёки қарийб ҳамма мамлакатлар шулар қаторига киради),—деб уқтириб ўтади «Диарио де Мехико» газетаси,—энг қудратли давлатлар ўртасида ҳамжиҳатлик ўрнатилишидан манфаатдордирлар. Биз, Мексикада тараққиёт учун, мустақиллик учун ва озодлик учун зарур бўлган тинчликка муштоқмиз». Бу учрашув, деб ёзади «Новедадес» газетаси, «инсониятни тинчлантириб, даҳшатли ҳалокат муқаррар бир нарса эмас деган умид туғдира олади».

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон матбуоти Н. С. Хрушчев билан Ж. Кеннеди ўртасида бўладиган учрашувни кенг тарзда шарҳламоқда. «Нав живан» газетаси қуйидагиларни ёзади: «Ғарбий блокдаги баъзи экстремистлар бу учрашувга маъюслик ва ваҳима билан қарамоқдалар. Халқаро кескинликни бартараф этиш мақсадида Америка-Совет муносабатларининг яхшиланиш тарафдорлари бўлган кишиларга бундай қарашлар ётдир... Узаро учрашувлар ва ўзаро муҳокама қилишлар ҳамжиҳатликка олиб келади, бинобарин юксак даражали музокаралар муваффақиятли ўтиши мумкин. Жаҳондаги ҳамма прогрессив ва тинчликсевар доиралар ҳозир ана шундай фикр билдирмоқдалар».

МОНТЕВИДЕО. Уругвайда чиқадиган газеталар Н. С. Хрушчев билан президент Кеннеди ўртасида Венада бўладиган учрашувни шарҳлаб, бу учрашув келгуси халқаро сиёсатга яхши таъсир кўрсатиши мумкин, деган яқдилона хулосага келмоқдалар. Венада учрашадиган икки дунё, деб таъкидлайди «Трибуна» газетаси, тинч-тотув яшаш воситасини қидириб топиши лозим. Газета бу учрашув инсониятга келажакни ядро урушининг мудҳиш шарпасисиз кўриш имкониятини беради, деб умид билдиради.

ТОКИО. Япония ташқи ишлар министри Косака Н. С. Хрушчев билан Ж. Кеннеди ўртасида бўладиган учрашувни ҳамжиҳатликни яхшилаш соҳасидаги фойдали иш деб атади. Косака ҳукумат мажлисида сўзга чиқиб, Венада ўтказиладиган учрашувлар тинчликни мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб умид билдирди. (ТАСС).

А. А. ГРОМИКО ЖЕНЕВАДАН ЖЎНАДИ

ЖЕНЕВА, 24 май. (ТАСС). СССР ташқи ишлар министри А. А. Громиконинг бугун самолётда ўз ватанига жўнаб кетиши бу ерда эълон қилинди. У, қайтиб келганига қадар Лаос проблемасига бағишланган кенгашдаги совет делегациясига ташқи ишлар министрининг ўринбосари Г. М. Пушкин бошчилик қилади.

* * *

Лаос проблемасини ҳал этиш юзасидан халқаро кенгашда Совет делегациясига бошчилик қилган СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 25 майда Женевадан Москвага қайтиб келди. (ТАСС).

ИМПЕРАТОР ҲУЗУРИДА СУҲБАТ

АДДИС-АБЕБА, 24 май. (ТАСС). Кеча Эфиопия императори Хайле Селассие I Африка мамлакатларининг маорифни ривожлантиришга бағишланган конференциясида қатнашувчи совет делегациясининг бошлиғи, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимов билан суҳбатлашди. Император билан С. О. Азимов ўртасидаги суҳбат дўстона, самимий руҳда ўтди. Суҳбатда СССРнинг Эфиопиядаги элчиси А. В. Будаков ҳозир бўлди.

ЭЛЧИХОНАДА ҚАБУЛ

АДДИС-АБЕБА, 24 май. (ТАСС). Кеча СССРнинг Эфиопиядаги элчиси А. В. Будаков Африка мамлакатларининг маорифни ривожлантиришга бағишланган конференцияси ишида қатнашувчи Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимов бошчилигидаги совет делегацияси шарафига қабул маросими ўтказди.

Меҳмонларга космонавт—учувчи Ю. А. Гагариннинг сафари тўғрисида «Одам космосдан қайтиб келди» ҳамда Африка, Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Совет Иттифоқида ўқиётган студентлари тўғрисида «Улар СССРда ўқимоқда» деган совет ҳужжатли фильмлари кўрсатилди. Қабул маросимида ҳозир бўлганлар фильмларни зўр қизиқиш билан томоша қилдилар.

БОЛГАР ХАЛҚИНИНГ БАЙРАМИ

СОФИЯ, 24 май. ТАСС мухбири **В. Кутьянов** хабар беради: Бугун халқ Болгариясининг меҳнаткашлари маърифат, маданият ва славян ёзуви кунини тантанали суратда байрам қилмоқдалар. Улар халқ ҳокимияти йилларида мобайнида маданиятни ривожлантиришда эришилган ажойиб натижаларга шу куни қонуний фахрланиш туйғулари билан яқун ясайдилар.

Бу йил маърифат, маданият ва славян ёзуви куни алоҳида кўтаринкилик вазиятида, абадий ва бузилмас Болгария-Совет дўстлиги белгиси остида нишонланмоқда. Чунки совет халқининг шонли фарзанди — жаҳонда биринчи космонавт-учувчи Ю. А. Гагарин шу кунларда болгар халқининг меҳмони бўлиб турибди.

Умумхалқ байрамининг маркази — 9 сентябрь майдони тантанали тус олган. Майдон минбарларида ишлаб чиқариш илғорлари, фан, маданият, санъат арбоблари, Халқ армиясининг жангчилари, Софиядаги чет эл дипломатлари, болгар ва чет эл журналистлари тўпландилар.

Эрталаб соат 10да бу ерда ҳозир бўлганлар томонидан самимий қутиб олинган Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. Живков, Халқ мажлиси президиумининг раиси Д. Ганэв, Министрлар Советининг Раиси А. Югов ҳамда партия ва ҳукуматнинг бошқа раҳбарлари, улар билан биргаликда Ю. А. Гагарин, СССРнинг Болгариядаги элчиси Г. А. Денисов, шунингдек Болгарияда меҳмон бўлиб турган «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофотининг лауреати Сайрус Итон Г. Димитров мавзолейининг минбарига чиқадилар. Байрам қатнашчилари уларни гулдурос ва давомли қарсаклар билан кутиб оладилар.

Майдонга сон-саноқсиз намойишчилар кириб келади.

Болгария ёшлари ҳамда фан ва маданият ходимларининг ана шу тўлқинлантирувчи намойиши икки соат давом этди.

Намойишдан кейин Ю. А. Гагарин ўз номига қўйилган янги ўрта мактабни бориб кўрди.

Софияда Ю. А. Гагарин шарафига қабул маросими

СОФИЯ, 24 май. (ТАСС). Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети, Болгария Халқ Республикаси Халқ мажлиси президиуми ва Болгария Халқ Республикаси Министрлар Совети жаҳонда биринчи космонавт Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ю. А. Гагарин шарафига бугун кечқурун катта қабул маросими ўтказдилар.

Қабул маросимида Министрлар Советининг Раиси Антон Югов нутқ сўзлаб, жаҳонда биринчи космонавтни қизғин табриклади. Ю. А. Гагарин жавоб нутқи сўзлаб, дўстона қутиб олинганлиги учун, ўзига кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром ва берилган мукофотлар учун болгар халқига самимий ташаккур айтди.

Ю. А. ГАГАРИННИНГ БОЛГАР ЖУРНАЛИСТЛАРИГА ТАБРИГИ

СОФИЯ, 24 май. (ТАСС). Болгария Халқ Республикасида меҳмон бўлиб турган совет космонавти майор Ю. А. Гагарин бугун Болгария матбуоти куннинг нишонланиши муносабати билан «Работническо дело» газетасининг коллективига ва болгар журналистларига қуйидаги табрикни юборди:

Болгария матбуоти кунида «Работническо дело» газетаси коллективини ва қардош Болгариянинг ҳамма журналистларини қизғин табриклайман.

Азиз ўртоқлар, Болгарияда социализм қуриш учун курашда Коммунистик партиянинг жанговар ёрдамчилари бўлишингизни тилайман.

Ю. А. ГАГАРИН ШАРАФИГА ОЛТИН МЕДАЛЬ

ЛОНДОН, 23 май, (ТАСС). Қуювчилар бирлашган касаба союзи биринчи совет космонавти Юрий Гагариннинг жасорати шарафига олтин медаль қуйишга қарор қилди. Юрий Гагарин ана шу касаба союзининг фахрий аъзоси бўлиш ҳақидаги таклифни қабул қилди. Касаба союз раҳбарлари Юрий Гагариннинг космосни ўзлаштириш соҳасидаги буюк сафари муносабати билан собиқ қуювчи Юрий Гагаринга қутлов ёрлиғи топшириш ниятида эканлигини бугун эълон қилган.

КОММУНИСТИК партия ташаббуси билан ташкил қилинган ва халқ ҳурматига сазовор бўлган интернат-мактаблар тармоғи кун сайин кенгаймоқда. Фақат кейинги бир йил мобайнидагина интернат-мактабларда ўқувчилар сони икки баравар кўпайди. Ўтган йилнинг ўзида янгидан 44 интернат-мактаб очилди. 1961 йил давомида интернат-мактаблар тармоғи янада кенгайтирилади, ўқувчилар сони ҳозирги 20.500 кишидан йил охиригача 40 мингга етказилади. Колхозларда интернат-мактаблар тобора кўпайтирилади. Бу — болаларга ёшликдан касб-ҳунар ўргатиш, уларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашнинг энг ажойиб воситаларидир. СУРАТДА: Тошкент область, Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли колхозда қурилган интернат-мактаб биноси олдида. Бахтиёр болалар танаффус вақтида ўзлари бунёд қилаётган гулзорлардан хабар олгани чиқишган. И. Душкин фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ФУТБОЛ

«ПАХТАКОР» ЮТМОҚДА

«Пахтакор»нинг ишқибозлари «Молдова» (Кишинев) учрашувига катта умидлар билан келдилар. Бу табиий эди. «Пахтакор»нинг бундан олдинги учрашувда кучларнинг кучлиси киевлик футболчилардан устун келиб, уларни мағлубиятга учратганлиги ва 10 та пешқадамлар сафига ўтиб олганлиги учкунланиб келаётган умидни ёритиб юборган эди.

Аслини олганда чемпионатнинг ҳар бир турида кутилмаган қизиқ ҳодисалар рўй бериб турибди. Чунки, энг кучли командалар ўзларидан кучсиз ҳисобланган командаларга тенг кела олмай, улардан енгилиб қолаётганлиги жуда кўп футбол ишқибозларини ажаблантирмоқда. Ана шу ўйинлардан кейин энди футбол майдонларида кучлилар ва кучсизлар эмас, балки баб-баравар имкониятга эга бўлган командалар учрашмоқда, деган хулосага келиш мумкин.

Турнир жадвалига назар солинса бу ҳол яққол исботланади. Чунки 10 та пешқадамлар сафига кирган командалар бир-бирларидан битта ёки иккита очко билангина фарқ қиладилар. Шунинг учун ҳам ҳар бир тур жиддий спорт кураши остида ўтмоқда.

Бу учрашув ҳар икки томон учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга эди. У ёки бу команданинг галабаси ёки мағлубияти мусобақа жадвалида қандай ўринни олишларига таъсир этар эди. Шунинг учун ҳам ўйин кескин кураш вазиятида ўтди.

Меҳмонларнинг ҳам жисмоний, ҳам техника томонидан ниҳоятда кучли бўлган ҳужумчиси Дубровский етинчи минутда «Пахтакор»нинг ярим ҳимоячиси Семёнов ва ҳимоячи Азизхўжаевнинг хатосидан фойдаланиб, уларни алдаб ўтди ҳамда Пшеничниковни сеткадан тўпни олишга мажбур қилди. Шундай қилиб ҳисоб меҳмонлар фойдасига 1:0 бўлди.

Ўйинда кескин бурилиш ясалди. Пахтакорчиларнинг ҳужумларига тоб беролмаган меҳмонларнинг ҳимоячилари тўпни қандай бўлмасин ташқарига тепиб юбора бошладилар. Кетма-кет тўрт марта бурчакдан тўп тепилди. Аммо, булар натижа бермади.

31-минутда қанотдан ошириlган тўп штраф майдонига узатилди. Ҳамма баравардан тўпга ташланди. Тазетдинов олдига келиб қолган тўпни осонлик билан дарвозага йўналтирди. Ҳисоб 1:1.

Ўйиннинг иккинчи ярми яна меҳмонларнинг ҳужуми билан бошланди. Улар қандай бўлмасин галаба қозониш йўлини қидирар, ярим ҳимоячилар сафини ёриб ўтиб дарвозага интилар эдилар. Ҳужумчилар тепган тўп кескин ва аниқ бўлгани учун Пшеничников доим хушёр туриб, бир неча хавфли ҳолатларда ғолиб келиб, ишқибозларни хурсанд қилди.

51-минутда меҳмонларнинг штраф майдончасида пайдо бўлиб қолган Морозов тўпни қабул қилиб олди ва ҳеч кимнинг қаршилигисиз уни дарвозага киритиб ҳисобни 2:1 қилди. Шундан кейин ҳам меҳмонларнинг руҳи тушмади. Улар учун мағлубият ниҳоятда «қимматга» тушишини чуқур ҳис қилган ҳужумчилар қандай бўлмасин тўп киритишга интилдилар. Натижада қўпол-ликларга ҳам йўл қўйилди. Шунинг учун ҳам судья В. Осипов меҳмонларнинг ярим ҳимоячиси Шишаевни майдондан чиқариб юборди.

«Пахтакор» футболчиларнинг меҳмонларнинг ўнта бўлиб қолганлигидан фойдаланиб ҳужумни кучайтирдилар. Ана шундай ҳужумларнинг бирида Красницкий моҳирлик билан дарвозага тўп киритиб, ҳисобни 3:1 қилишга эришди. Шундан кейин пахтакорчилар сust ҳаракат қила бошладилар. Бундан фойдаланган меҳмонлар охирги секундга яна бир тўп киритдилар. Ўйин 3:2 ҳисоби билан «Пахтакор» командаси фойдасига тугади.

Шундай қилиб, «Пахтакор» командаси 8 ўйинидан 10 очко тўплаб пешқадамлар сафида мустаҳкам ўрнашиб олди.

Командалар майдонга қуйидаги составда тушдилар: «Молдова» — В. Савицкий, (Е. Безязичний); М. Дудкин, Е. Ларин, Ю. Зеленяев, Ю. Шишаев, Н. Есин, В. Корольков, А. Миронов, Л. Горшков, Д. Дубровский, Б. Колесов, (В. Масальцев); «Пахтакор» — Ю. Пшеничников, А. Азизхўжаев, О. Моторин, В. Суюнов, С. Семёнов, В. Таджиров, А. Морозов, С. Стадник, Г. Красницкий, И. Тазетдинов (М. Ёқубов), Ю. Беляков.

Воси МАҲКАМОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

27 МАЙДА

18.30 — **Костёр** телевизион журнали. 19.10 — **Коммунистик меҳнат кишилари** (Тошкент пилдакашлик фабрикасидан ўзбек тилида репортаж). 19.30 — **Телевизион янгиликлар.** 19.50 — **Коммунистик меҳнат зарбдорлари** (адабий-музикали эшиттириш). 20.50 — **Самолёт соат 9 да жўнайди** номли бадиий фильм. 22.15 — **Эстрада концерти.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/V-да **Чио-Чио-Сан**, 27/V да янги спектакль **Ҳамза**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — қишки бинода: 26/V кеч соат 8 да **Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим**, ёзги бинода: 26/V кеч соат 8 яримда **Олма гуллаганда.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЭСТРАДАСИ (Мукимий номли театрнинг қишки биносида) — **Лоҳутий номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тожик давлат академик драма театрининг гастроллари** — 26/V да **Ҳаёт ва ишқ**, 27/V да **Штраф бир ярим танга.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 26/V кеч соат 7 ярим. **«Баҳор» ўзбек халқ рақс ансамблининг концерти.** СССР халқ артисти **Мукаррама Тургунбоева** қатнашади.

28/V да **Ўзбек ашула, мусиқа ва рақс кечаси.**

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Ҳамза (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва 2 да, ўзбек тилида). **Сонин юлдуз** (кундуз 4 дан) — «ВАТАН».

Инсон таслим бўлмайди — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Тинчлик осмони — СОБИР РАҲИМОВ номли, «ИСКРА», «ДРУЖБА» (2-залда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (кеч соат 5 гача ва кеч 10 да), «ЕШ ГВАРДИЯ» (эрталаб 10 ва кундуз 12 да).

Фурқат (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Шум саёзлик — «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз-соат 2 дан).

Тирилиш (1-серия) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2 ва кеч 6 да).

Ҳаёт остонасида — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Кичик драмалар — «ДРУЖБА» (1-залда кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Уғил уйланиши керак — «ОКТЯБРЬ» (кеч соат 8-40 ва 10-40 минутда), СОБИР РАҲИМОВ номли (кеч 8-40 минутда).

Ҳамза (ўзбек тилида) — «ВАТАН» (кеч соат 8-40 минутда).

Тинчлик осмони — «ВАТАН» (кеч соат 10-40 минутда), «ШУҲРАТ» (кеч 9 ва 11 да), НАВОИЙ номли (кеч 9 ва 11-да), «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч 8-45 минут ва 11 да), «ХЕВЕА» (кеч 8-45 ва 11 да), ТЕЛЬМАН номли (кеч 10 яримда), ПУШКИН номли (кеч 8-50 минутда).

Инсон таслим бўлмайди — КАФАНОВ номли (кеч соат 8-45 минут ва 11 да).

Кичик драмалар — СТЕПАН РАЗИН номли (кеч соат 10 яримда).

Жиноят — ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 8-40 минутда), ПУШКИН номли (кеч 10-45 минутда).

Йўлнинг охири — «УДАРНИК» (кеч соат 8-45 ва 10 яримда), «ПОБЕДА» (кеч 8-45 минут ва 10 яримда).

1961 йил 6 июнь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ижтимоий фанлар бўлимининг бирлашган илмий совети мажлисида (Навоий кўчаси, 55-а уй, ижтимоий фанлар институтларининг конференц-залида)

М. Қодирова

филология фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Нодиранинг ҳаёти ва ижоди» деган темада

диссертация ёқлайди

Диссертация билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

СПРАВКА СОМАЛИ

1960 йил 30 июндан 1 июлга ўтар кечаси прожекторларнинг кўзини қамаштирувчи нурлари остида Могадишо осмонида беш қиррали оқ юлдуз шакли солинган мовий байроқ ҳилпирай бошлади. Африканинг сиёсий картасида янги мустақил давлат—Сомали Республикаси вужудга келди. Бу республика ташкил топиши билан Африкадаги мустақил халқлар оиласи янада кенгайди ва бутун Африка қитъасини мустамлакачилар зулмидан озод қилиш соҳасида илгари силжиш давом эта берди.

Сомали Республикаси Африканинг шарқий қисмида шох шаклида жойлашган. У, Кения, Эфиопия ва Франция Сомалиси билан чегарадош. Сомалининг территорияси қарийб 640 минг квадрат километр, аҳолиси 2 миллион кишидан ортиқ. Сомали Республикаси икки территориядан, яъни Англиянинг собиқ мустамлакаси Сомалиленд ва илгари Италия васийлигида бўлган территориядан иборат.

Кўчманчи чорвадорлар мамлакат аҳолисининг кўпчилигини ташкил этади. Деҳқонлар банан, шакар қамиш, арахис, пахта, капок етиштирадилар. Денгиз соҳилида яшовчи аҳоли балиқ ови билан шуғулланади.

Италия ва Англия мустамлакачиларининг «цивилизаторлик миссияси»дан кейин Сомали Республикаси халқига жуда оғир мерос қолган эди. Сомали ҳамиша ўзининг миллий саноатидан маҳрум этилган қолоқ қишлоқ хўжалиги мамлакати бўлиб келган эди. Сомалини Италиянинг «банан етиштирувчи қўшоғи» деб атар эдилар. Банан ҳозирда ҳам мамлакат экспортининг ярмини ташкил этади. Сомали меҳнаткашлари Конфедерациясининг маълумотларига қараганда, Сомали экономикасининг 70 проценти италиялик мустамлакачи гуруҳлар қўлида эди. Мамлакатда темир йўллар, яхши жиҳозланган порт йўқ. Саводсиз қишилар жуда кўп. Мустамлакачилар Сомали халқининг ўз ёзувига эга бўлмаслиги учун эр бериб ҳаракат қилдилар. Бу мамлакатда касаллик кенг тарқалган.

Сомали халқи ва унинг бош министри Абдирашид Али Шермарк бошчилигидаги ҳукумати олдида қишлоқ хўжалиги, саноат ва миллий маданиятни ривожлантириш соҳасида катта ва қийин вазифалар турибди.

Совет Иттифоқи мустамлакачиликнинг оғир оқибатларини узил-кесил тугатиш учун ва ўз миллий экономикасини ривожлантириш учун курашаётган мустақил давлатларга ёрдам беришга ва уларни қўллаб-қувватлаш сиёсатига амал қилиб, Совет-Сомали иқтисодий, савдо ва маданий ҳамкорлигини бутун чоралар билан кенгайтиришга интилиб келмоқда.

СССР билан Германия Федератив Республикаси ўртасида маданий алоқа тўғрисидаги музокаралар тўхтаб қолди

БОНН. 24 май. (ТАСС). СССРнинг Германия Федератив Республикасидаги элчихонасининг матбуот бўлими бугун қуйидаги ахборотни эълон қилди:

1961 йил 12 майдан 23 майгача Боннда СССР билан Германия Федератив Республикаси ўртасида 1961-1962 йилларда маданий, илмий ва техника алоқаси тўғрисида битим ишлаб чиқиш юзасидан экспертлар делегациялари музокара олиб бордилар.

СССР Министрлар Советининг Чет мамлакатлар билан маданий алоқа давлат комитети бўлимининг мудири К. С. Проскурникова совет экспертлар делегациясига, элчи Г.-У. Гранов Германия Федератив Республикаси делегациясига бошчилик қилди.

Германия Федератив Республикаси делегациясининг таклифига мувофиқ музокараларда танаффус эълон қилинди. Томонлар музокараларни мумкин қадар қисқа вақт ичида, тахминан иккинчи ҳафтадан кейин яна бошлаш тўғрисида келишдилар.

Германия Федератив Республикасининг делегацияси музокаралар давомида СССР билан Германия Федератив Республикаси ўртасида 1961-1962 йилларда маданий ва илмий алоқа юзасидан кўриладиган тадбирларнинг конкрет программасини муҳокама қилиш учун киришишга шу вақтгача розилик билдирмаганлиги сабабли, совет делегацияси Совет Иттифоқининг Германия Федератив Республикаси билан маданий, илмий ва техника ҳамкорлигини янада ривожлантиришга интилаётганлигини эътиборга олиб, жўнаб кетиш олдидан ана шу программа лойиҳасини Германия Федератив Республикаси делегациясига топширди.

АМЕРИКА РАКЕТАСИ ЙИҚИЛИБ ТУШДИ

НЬЮ-ЙОРК, 25 май. (ТАСС). Кеча Қўшма Штатларда Канаверал бурунидан «Юнона-II» ракетаси ёрдами билан Ер сунъий йўлдошини учиришга урниб кўрилди.

Йўлдош учирилгандан кейин сал ўтмай Ассошиэйтед Пресс агентлиги расмий шахсларнинг баёнотига асосланиб, ракетанинг иккинчи босқичи ишламай қолган ва ракета йўлдош билан бирга Атлантик океанга йиқилиб тушган бўлса керак, деб хабар берди.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА ТАЪҚИБ

ПАРИЖ. 24 май. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбирининг Сеулдан хабар қилишича, ҳукмрон ҳарбий хунта Жанубий Корея матбуотини тозалаш тўғрисида декрет қабул қилган.

Шу декретга мувофиқ. 60 газета ва 160 агентлик ёпиб қўйилади.

МОҲИР ОВЧИЛАР

Имонқул Бегматовни Поп районидаги «Москва» колхозининг аъзолари илғор колхозчигина эмас, моҳир овчи сифатида ҳам ҳурмат қиладилар. Ўтган йили 6 бўрини отиб ўлдирган Имонқул шу йилнинг 4 ойи ичида 5 бўри терисини район тайёрлаш конторасига топширди.

Ўртоқ Бегматов колхоз правленцеси ва қишлоқ хўжалик инспекцияси томонидан мукофотланди.

О. ҲОМИДОВ.

* * *

Навоий районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси Усмон Хушматов қўйларга ҳужум қилаётган бир бўрини қўлга туширди. У кейинги бир йил ичида 18 бўрини отиб ўлдирди.

К. ҚОДИРОВ.

* * *

— Қасбим чўпонлик. Жамоат мулки менга ишониб топширилган экан, уни кўз қорачиғидек сақлайман, — дейди Деҳқонобод районидаги «1 Май» колхозининг чўпони, комсомол аъзоси Жавлон Ҳайитов.

Яқинда у қўй-қўзиларни далада ўтлатиб юриб, бўри уясини кўриб қолди. Касбдоши Шердон акани пойлоқчи қилиб қўйиб, ўзи унгурга кириб кетди. Бир неча минутда 6 бўри боласини тириклайин ушлаб чиқди.

У. БОТИРОВ.

Редактор
З. И. ЕСЕНБОЕВ.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ 26 УЙ

КОММУТАТОР — 26334, 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469. Пропаганда — 33469. Саноат ва транспорт — 27604. Совет қурилиши — 34780. Қишлоқ хўжалиги — 31226. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 34455. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 03951. Нашр. Б. 121.